БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«ҚИЗИЛ УЗБЕКИСТАН» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР.

43-йил чиқиши
№ 230 (11.979)

Шанба, 30 сентябрь 1961 йил

Баҳоси 2 тийин

КПСС XXII съезди шарафига

МЕҲНАТ ЗАФАРЛАРИНИ КЎПАЙТИРАЙЛИК!

МАМАДАЛИ ОТА ЗВЕНОСИ ГЕКТАРИДАН 45 ЦЕНТНЕР ПАХТА БЕРДИ ❁ *8 машина бир кунда 64 тонна пахта терди.*

ҲАММА КУЧ, ҲАММА ТЕРИМ МАШИНАСИ ДАЛАГА!

ГЕКТАРИДАН 45 ЦЕНТНЕР

«План — съездгача, мажбурият — байрамгача!» деган жанговар шиор ташлаб, астойдил меҳнат қилаётган поплик азамат пахтакорлар янги-янги меҳнат зафарларини қўлга киритмоқдалар. Жданов номли колхозининг кекса, моҳир пахтакор Мамадали ота Эрматов бошлиқ звеноси 15 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 45 центнердан «оқ олтин» териб олиб, социалистик мажбуриятини бажарди. Звено даласида ҳали ҳосил кўп. Илғор пахтакорлар КПСС XXII съезди очиладиган кунгача гектаридан тағин 25 центнердан пахта териб олишга сўз бериб, кунига йиллик планнинг 4-5 процентини миқдорида «оқ олтин» тайёрламоқдалар.

Р. РАҲМОНОВ,
«Қизил Ўзбекистон»нинг штатсиз мухбири.

Яна бир хушхабар

Бўз район қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари давлатга гўшт сотиш йиллик планини юз процент қилиб бажардилар. Молларни бўрдоқи қилишга алоҳида эътибор берган Карл Маркс номли колхоз чорвадорлари гўшт сотиш йиллик планини 107 процентдан ҳам ошириб юбордилар. Шунингдек, райондаги 6 та колхозда давлатга тухум сотиш йиллик плани ортиғи билан адо этилди.

Х. МАМИТАЛИЕВ.

МАШИНАЛАР ИШГА ТУШГАЧ

ЧОРТОҚ, 29 сентябрь (телефон орқали). Партиямизнинг XXII съезди шарафига 1650 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 36 центнердан пахта топшириш мажбуриятини олган Янгиқўрғон районидаги Сталин номли колхоз пахта далаларида меҳнат завқи тобора ортмоқда. Ҳам қўлда, ҳам машинада пахта териш кучайтириб юборилди. Колхозда 700 гектар майдон машина теримига ажратилган. Ғўза барги вақтида тўктирилгандан кейин ҳар хил маркадаги 8 та агрегат ишга тушиб, бир кунда машина билан 64 тонна пахта терилди. Илгари колхоз кунига йиллик планнинг бир ярим-икки процентини миқдорида пахта тайёрлаётган бўлса, энди давлатга 3-3,5 процент миқдорида «оқ олтин» сотяпти.

Колхозда йиллик план 50 процентдан ошиб кетди. Қўшни «Ленинчи йўл» колхозида ҳам бир довон ошилди. Йиллик план 51 процентга борди. «Ленинчи йўл», «Москва» колхозлари далаларида ҳам машина терими қизиб кетди.

А. ҒОЗИЕВ,
Янгиқўрғон район партия комитетининг ходими.

ТЕЗ ВА ТОЗА ТЕРИЛЯПТИ

Киров номли колхозда дала ишларига сафарбар этилган колхозчилардан 200 га яқин киши куплик терим нормасини 2-2,5 баравар бажармоқда. Юлдузхон Ҳожиева, Маликахон Ғуломова, Майнахон Ҳайдарова, Энахон Жумабоевалар ҳар куни 240-270 килограммдан пахта термоқдалар.

Колхоз пахта териш ва тайёрлашда Андижон районидаги олдинги колхозлар қаторида боряпти.

О. ИСАЕВ.

МУДДАТИДАН ОЛДИН

Самарқанд область, Каттақўрғон районидаги Крупская номли колхозининг коммунист Зулайхо Ҳомидова бошлиқ бригада аъзолари давлатга пахта сотиш планини 25 сентябрь куни бажарганлиги тўғрисидаги рапорт бердилар. Улар бундай муваффақиятни КПСС XXII съезди шарафига умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилиб, астойдил ишлаш туфайли қўлга киритдилар.

Бригада пахтакорлари 50 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 28 центнердан ҳосил кўтардилар. Гектаридан яна 17 центнердан пахта топшириш мажбурияти олинди. Чевар теримчилардан Муслима Умрзоқова, Зайнаб Шойимардонова, Уғил Раззоқова, Қўйсин Хўжаёрова ўртоқлар кунига 180-190 килограммдан пахта териб, бригаданинг илғорлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшдилар.

Ғ. ШУКУРОВ.

ЧИНОЗ районидаги Киров номли колхознинг ўртоқ Юсуф Аҳмедов бошлиқ бригадаси аъзолари КПСС XXII съезди шарафига меҳнат вахтасида туриб ишлаб, 80 гектар ернинг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил топшириш учун курашмоқдалар. Бригаданинг чевар теримчиларидан Комила Абдуғаффорова ва Зуҳра Нишоновалар ҳар кунч 210-220 килограммдан пахта теришмоқда. СУРАТДА: Комила АБДУҒАФФОРОВА (чапда) ва Зуҳра НИШОНОВА.

Қ. Розиқов фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

МАШИНА ТЕРИМИГА ЭЪТИБОР БЕРИНГ

БУХОРО, (*«Қизил Ўзбекистон» мухбири*). Ғиждувон районидаги «Гулистон» колхозининг механик-ҳайдовчиси Обида Ҳамроева бултур 203 тонна пахта терди. Бир ўзи қарийб етмиш теримчининг мавсум нормасини бажарди. У энди комплекс механизациялашган бригадага раҳбарлик қиляпти. Бригаданинг 70 гектар ерига чигит квадрат-уялаб экилди. Ғўза кетмонсиз парвариш қилинди.

— Бригадамизда ўтган йили,— деди Обида Ҳамроева, — ҳар бир центнер пахтанинг таннархи 17 сўм 90 тийинга тўғри келган эди. Биз бу йил буни 11 сўмга туширишга ваъда берганмиз. Бунинг учун етиштирилган пахтанинг асосий қисмини машинада теришни планлаштирдик. Мен 230 тонна пахтани машинада териш мажбуриятини олдим. Ҳозир «ХВС-1,2» маркали машинани ремонтдан чиқариб, ишга тахт қилиб қўйдим.

Республикада хизмат кўрсатган механизатор Обида Ҳамроева бошлиқ бригада машина теримига ажратилган участкаларда уватларни, ўқариқларни текисламоқда. Карталар бегона ўтлардан тозаланган. Ҳар бир пайкалда хирмон жойлар қилинган. Райондаги Энгельс номли, Ленин номли, Калинин номли, Карл Маркс номли колхозларда ҳам машина теримига пухта тайёргарлик кўрилмоқда. Бу колхозлардаги терим машиналарининг ҳаммасини икки сменада ишлатиш учун механизаторлар биркитиб қўйилган.

«Норпой» совхозида ҳам пахтани машинада териш йилдан-йилга кўпайтирилмоқда. 1959 йилда 1,5 минг гектар ердаги ҳосил машинада терилган эди, ўтган йили совхознинг бўлим ва бригадаларида 33 машина ишлаб, 3 минг тоннадан кўпроқ пахтани терди. Совхозда етти йилликнинг учинчи йилида салкам 4 минг тонна пахтани агрегатларда териш планлаштирилди. Пахта териш машиналари шайланди. Ўртоқ Қодир Жумаев бошқарувчи бўлган тўртинчи бўлимда ҳосилнинг 90 проценти машинада йиғиб-териб олинади.

Бу йил Бухоро областида 50 минг тонна пахта машинада териб олиниши, 80 минг тонна ҳосил тайёрлов пунктларига қоп-қанорсиз етказиб берилиши керак. Колхозларда ва совхозларда бу вазифани муваффақиятли бажариш учун тўла имкониятлар бор. Юқоридаги илғор хўжаликлардан ташқари «Ромитан» совхози ва кўпгина колхозлар машина теримини уюшқоқлик билан бошладилар. Лекин областдаги кўпчилик районлар ва қишлоқ хўжалик артеллари пахтани машинада теришга сустқиришмоқдалар. Қоракўл, Навоий, Когон, Қизилтепа районларида пахта териш агрегатларининг талай қисми ҳалигача ремонт қилинмаган. Кўрак териш ва кўсак чувиш агрегатларининг учдан бир қисми ремонт талаб бўлиб ётибди.

Навоий районининг колхозларида ўтган йили пахтани машинада териш плани бажарилмаган эди. Бунга кўп жиҳатдан техника теримга ўз вақтида тайёрланмагани сабаб бўлди. Бундан ташқари, ҳосилини машинада теришга текис, яхлит карталар ажратилмаган эди. Областнинг энг йирик пахтакор райони ҳисобланган бу район колхозларида бу йил ҳам тайёргарлик яхши эмас. 32 машинадан энди 26 таси ремонт қилинган. «Қизил Ўзбекистон», «Коммунизм», «Бухоро» колхозларида аҳвол айниқса ёмон.

«Коммунизм» колхозида машиналар ремонти учун ҳеч ким қайғирмайди. «СХМ-48М» маркали иккита агрегат июнь ойида колхоз устахонасига келтирилган эди. Шундан бери бу машиналарнинг ремонти тугалланмаган. Машиналарнинг айрим қисмлари ҳатто йўқолиб кетган. Техника ремонти ана шундай ёмонлиги устига ҳосили машинада терладиган участкалар яқингача ҳам аниқланмади. Колхоз раиси Тўра Хўжаев ва инженери Г. Тисленко ўртоқлар 400 гектар ердаги ҳосилни машинада териш кераклигини айтадилар-у, қайси бригада машина теримига қанча ер ажратганини ўзлари ҳам билишмайди.

Олтита йирик пахтакор колхозга хизмат қиладиган «Узсельхозтехника» район бўлимининг устахонасида иш яхши ташкил этилмаган. Ремонтчилар орасида меҳнат интизоми бўш. Маданий-маиший хизмат кўрсатилмаётир. Пахта териш, кўрак чувиш ва кўсак тозалаш машиналарини ремонт қилиш графиги уч марта ўзгартирилди. Устахонадаги 25 та кўрак чувиш машинасидан фақат 9 таси ремонтдан чиқарилди.

Бухоро районидаги кўпгина колхозларда ремонтнинг сифатига эътибор берилмаётир. Ремонт қилинган тўққизта пахта териш машинаси давлат комиссияси томонидан икки ҳафталаб қабул қилинмай турди. Кўпгина колхозларда терим машиналарини икки сменада ишлатиш учун механик-ҳайдовчилар етишмайди. «Правда», Хрушчев номли, Калинин номли колхозларда нотекис, ўт босган участкалар машина теримига ажратилган.

Бухоро областида машина теримини намунали ўтказиш ва бу соҳада планни ортиғи билан бажариш учун ҳамма шарт-шароитлар мавжуд. Область колхозлари бу йил кўпгина янги машиналар сотиб олдилар. Энди гап машина теримига яхши киришиб, уни уюшқоқлик билан ўтказишда қолди.

Л. ЭРГАШЕВ.

Қанча пахта топширилди?

Ўзбекистон ССР областларида пахта тайёрлашнинг, ҳосилни қоп-қанорсиз ташишнинг ва ғўза баргини тўктиришнинг бориши тўғрисида 1961 йил 29 сентябргача бўлган

МАЪЛУМОТ

(Пахта тайёрлаш ва ғўза баргини тўктириш — планга нисбатан, машина терими ва ҳосилни қоп-қанорсиз ташиш — мажбуриятга нисбатан процент ҳисобида)

Областлар	Пахта тайёрлаш			Пахтани қоп-қанорсиз ташиш	Ғўза баргини тўктириш
	Бир кунда	Мавсум бошидан бери	Машина терими		
Андижон	1,88	41,57	4,36	38,9	58,8
Сурхондарё	1,68	39,79	10,49	30,7	50,9
Самарқанд	2,11	37,84	7,35	25,7	72,5
Хоразм	1,85	37,25	0,72	10,6	67,7
Бухоро	1,80	34,77	2,26	25,2	44,3
Фарғона	1,66	34,16	0,91	21,2	10,4
Тошкент	2,08	33,33	9,67	28,1	85,3[1]
Қорақалпоғистон АССР	1,27	26,21	0,53	10,0	79,6

[1]) маълумот аниқланган.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Н. М. МАНГУТОВГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АГРОНОМ» ФАХРИЙ УНВОНИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Туғилган кунига 50 йил тўлганлиги муносабати билан ва республикада пахтачиликни ҳамда созхоз ишлаб чиқаришини ривожлантиришдаги хизматларини тақдирлаб, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги совхозлар бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Неъмат Муҳаммаджонович **Мангутовга** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган агроном» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Е. НАСРИДДИНОВА.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Р. САХИБОЕВ.

Тошкент шаҳри.
1961 йил 29 сентябрь.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Туғилган кунига 50 йил ва илмий педагогик фаолиятига 25 йил тўлганлиги муносабати билан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонига мувофиқ, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси химия институтининг директори Якуб Юсупович **Алиев** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

* * *

Туғилган кунига 50 йил тўлганлиги ва республика саноатида узоқ йиллар давомида бенуқсон ишлаганлиги учун Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонига мувофиқ, Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Муҳаммед Шералиевич **Миркосимов** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

* * *

Туғилган кунига 50 йил ва ижодий фаолиятига 30 йил тўлганлиги муносабати билан, Совет Ўзбекистони адабиётини ривожлантиришдаги хизматлари учун ёзувчи Мамарасул **Бобоев** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

Мактабларни ўқитувчи кадрлар билан таъминлайлик

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети умумий таълим мактабларини ўқитувчи кадрлар билан таъминлаш тадбирлари тўғрисидаги масалани қараб чиқдилар ва тегишли қарор қабул қилдилар. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг қарорида таъкидлаб ўтиладики, юқори малакали ўқитувчиларни керакли миқдорда тайёрлаб чиқариш — халқ маорифини муваффақиятли суратда ривожлантиришнинг энг муҳим шартидир.

Умумий саккиз йиллик таълим жорий қилинганлиги, мактаб-интернатлар ва узайтирилган кун мактаблари ташкил этилганлиги, ишчи ва қишлоқ ёшларининг кечки (сменали) мактаблари тармоги кенгайтирилганлиги сабабли ўқитувчи ва тарбиячи кадрларга бўлган эҳтиёж анча ошиб кетди. Бироқ айрим иттифоқчи республикалар Компартияларининг Марказий Комитетлари ва Министрлар Советлари, СССР Госплани мактабларнинг педагог кадрларга ўсиб кетган эҳтиёжини етарли даражада ўрганмаётирлар ва планларда ҳисобга олмаётирлар. Педагогик ишига баъзан етарли тайёргарликка эга бўлмаган кишилар юборилмоқда. Қишлоқ ёшлари орасидан педагогика олий ўқув юртларига студентларни кўпроқ қабул қилиш йўлида зарур чоралар кўрилмаётир.

Айрим маҳаллий партия ва совет органлари ўқитувчиларга қарашга гамхўрлик қилмаётирлар, уларга, хусусан, қишлоқ жойларида зарур уй-жой — маиший шароитлар яратиб бермаётирлар, қишлоқ ўқитувчиларига бериладиган енгилликлар ва имтиёзлар тўғрисидаги партия ва ҳукумат қарорларининг бажарилиши устидан контролни сусайтириб юбордилар.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети умумий таълим мактабларини малакали ўқитувчи кадрлар билан ўз вақтида таъминлаб туриш мақсадида иттифоқчи республикалар Компартияларининг Марказий Комитетлари ва Министрлар Советларига педагог кадрларни планлаштириш ва тайёрлаб чиқаришдаги мавжуд жиддий камчиликларни тугатиш вазифасини юкладилар. Иттифоқчи республикаларнинг Министрлар Советларига, СССР Давлат иқтисодий кенгашига ва СССР Госпланига кундузги, кечки ва сиртқи педагогика ўқув юртларига мактабларнинг ўқитувчилар ва тарбиячилар-га бўлган ҳақиқий эҳтиёжига мос равишда студентлар қабул қилишни йиллик ва перспектив планларда кўзда тутиш, шунингдек педагогика институтларида студентлар сонининг кўпайишини ҳисобга олган ҳолда, ана шу олий ўқув юртларининг моддий базасини мустаҳкамлашни таъминлаш таклиф этилди.

Иттифоқчи республикалар Компартияларининг Марказий Комитетларига ва Министрлар Советларига зарурат туғилган ҳолларда, ўрта мактабларни тамомлаб чиққан кишилар орасидан бошланғич мактаб ўқитувчилари тайёрлаш учун истисно тариқасида 1-2 йилга, энг яхши ўрта умумий таълим мактаблари ҳузурида бир йиллик педагогика синфлари ташкил этишга, бир йиллик педагогика синфларининг тингловчиларини стипендия таъминоти жиҳатидан педагогика билим юртларининг ўқувчиларига тенглаштиришга рухсат берилди. Ана шу синфларни тамомлаб чиққан кишиларнинг педагогик маълумотга эга бўлган ўқитувчиларга тўлаб келинаётган миқдорда ҳақ тўланади.

Бир йиллик педагогика синфларини, шунингдек педагогика билим юртларини тамомлаб чиққан ўқитувчиларнинг педагогик маълумотини янада ошириш мақсадида халқ маорифи органларининг йўлланмаси билан уларни педагогика институтлари сиртқи бўлимларининг биринчи курсларига конкурсдан ташқари қабул қилишга рухсат берилди.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети иттифоқчи республикалар Компартияларининг Марказий Комитетларига, Министрлар Советларига ҳамда СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигига педагогик таълимга раҳбарликни яхшилашни ва бўлажак ёш ўқитувчиларнинг малакасини ошириш, бу ўқитувчиларнинг мактаб ўқувчилари билан тарбиявий иш олиб боришга тайёргарлигини яхшилаш тадбирларини кўришни ҳамда мактаб-интернатлар ва узайтирилган кун мактаблари учун тарбиячи ўқитувчилар тайёрлаб чиқаришни яхшилашни таклиф этдилар. Шунингдек, педагогика ўқув юртлари студентлари билан тарбиявий иш олиб боришни кучайтириб, уларда бурчни, давлат интизомини сезиш ва ўқув юртини тамомлагандан сўнг ўз хизмат вазифаларини адо этишга тайёр туриш ҳиссларини тарбиялашга алоҳида эътибор бериш; сиртқи педагогик таълимини уюштиришдаги камчиликларни тугатиш; педагогика институтлари ҳузурида кечки бўлимлар шохобчасини кенгайтириш; мамлакатнинг педагогика, техника ва қишлоқ хўжалик олий ўқув юртларида меҳнат ва ишлаб чиқариш таълимни ўқитувчилари эҳтиёжга мос равишда тайёрлаб чиқарилишини таъминлаш таклиф этилди. Педагогикага оид бўлмаган олий маълумотга эга бўлган ва педагогик ишига ўтишни хоҳлаган кишиларнинг педагогика институтларидаги сиртқи бўлимларининг IV курсига, ўқитувчилар институтларига тенглаштирилган ўқув юртларида маълумот олган кишиларнинг эса III курсига илгари олган профилларига яқин ихтисослар бўйича имтиҳон топширмай киришларига рухсат берилди.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг қарори билан иттифоқчи республикалар Компартияларининг Марказий Комитетларига, иттифоқчи ва автоном республикаларнинг Министрлар Советларига, область, ўлка партия комитетларига ҳамда меҳнаткашлар депутатлари Советларининг область (ўлка) ижроия комитетларига қуйидаги вазифалар юкланади: мактабларни ўқитувчилар билан таъминлаш системасини тартибга солиш ва мактабларда ўқитувчилар сонининг ўқув ишининг ҳажми тақозо этгандан ортиқча кўпайтириб юборилишига йўл қўймаслик; ҳар бир айрим ҳолда ўқитувчиларнинг ўқув юкламаси тўла бўлмаган ишга тайинланишига фақат область (ўлка) халқ маорифи бўлимининг, областларга бўлинмаган республикаларда эса, маориф министрликларининг хоҳиши билангина рухсат бериш; илгари мактабларда муваффақиятли ишлаган ва бошқа муассаса ҳамда бошқармаларга ўтиб кетган ўқитувчиларнинг умумий таълим мактабларига ишга қайтиб келишларига кўмак бериш; янги қурилаётган барча қишлоқ мактаблари ҳузурида ўқитувчиларга уй-жой қуриш тўғрисидаги ҳукумат қарорининг сўзсиз бажарилиши учун зарур чораларни кўриш; мавжуд қишлоқ мактаблари ҳузурида ўқитувчиларга квартиралар қуриб беришни кенг авж олдириш; ўқитувчиларнинг маиший шароитларини яхшилаш зарурлигига ҳамда ҳукумат томонидан уларга берилган енгилликлар ва имтиёзларнинг таъминланишига алоҳида эътибор бериш; ўқитувчиларнинг сиёсий жиҳатдан ўсиши, маданияти ва иш малакасининг ошишига эътиборни кучайтириш; педагогика институтлари ва университетларни ўқитувчилар малакасини ошириш ва уларга методик ёрдам бериш соҳасидаги ишларга, шунингдек политехник ва ишлаб чиқариш таълими билан боғланган фанлардан дарс берувчи ўқитувчиларни қайта тайёрлашни ташкил этишга кенг жалб қилиш.

СУРХОНДАРЁ область, Ангор районидаги Карл Маркс номли колхознинг механик-ҳайдовчиси ўртоқ Хўжаёр Алиёров бу йил «ХВС-1,2» машинасида 150 тонна пахта териш мажбуриятини олган. У бир сменада 3,5-4 тоннадан пахта термоқда. Суратда: Хўжаёр АЛИЕРОВ пахта тераётир.

А. Ким фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИНИНГ XVI СЪЕЗДИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА РЕВИЗИЯ КОМИССИЯСИНИНГ ҲИСОБОТ ДОКЛАДЛАРИ ЮЗАСИДАН МУЗОКАРАЛАР

Ўртоқ К. НУЪМОНОВ (ЯШИН) нутқи

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР СОЮЗИНИНГ БИРИНЧИ СЕКРЕТАРИ

Бугун биз кўп миллатли совет адабиётимиз қандай шароитда иш бошлаганлигини ва ҳозирги давримизда нималарга эришганлигини тасаввур қилар эканмиз, фикран ва қалбан бенихтиёр жонажон Коммунистик партиямизга назар ташлаймиз. Коммунистик партиянинг доно сиёсати, унинг авайлаб парвариш қилиши ва оталарча ғамхўрлиги туфайли совет адабиётимиз ҳаммага манзур бўлди ва ҳамманинг ўртасида обрў қозонди, ҳақли суратда жаҳоннинг энг илғор, энг ғоявий адабиёти деган шуҳрат орттирди.

Улкан совет интернационал адабиётининг ҳамиша илғор отрядларидан бири бўлган ва бўлиб қоладиган ўзбек адабиётимиз КПСС XXII съездига бир талай муваффақиятлар билан келмоқда. Замонавийлик, бугунги гўзал ҳаётимиз, совет кишиларининг илҳомкор меҳнати, уларнинг тинчлик ва дўстлик йўлидаги қаҳрамонона мардликлари ўзбек ёзувчилари асарларининг бош темасидир.

Сўнгги йилларда бутун Иттифоққа танилиб, бепоён Ватанимиздаги барча халқлар китобхонларининг мулкига айланган икки асарни кўрсатиб ўтмоқ керак. Булар — ёзувчи Шароф Рашидовнинг «Бўрондан кучли» романи ва Абдулла Қаҳҳорнинг «Синчалак» повести бўлиб, давримизнинг типик ҳолатлари ва замондошларимизнинг қаҳрамонона характерларини мужассамлаштиргани билан ўзбек реалистик прозасининг ривожланишида янги босқич бўлди.

Шу йиллар мобайнида катта ёзувчилардан Ойбек билан Сергей Бородин ҳам проза жанрида зўр муваффақиятларни қўлга киритдилар. Асқад Мухтор ҳозирги замон ёш авлоди қиёфасининг шаклланиш темасига бағишланган «Туғилиш» романини эълон қилди. Атоқли шоир ва драматург Уйғун «Шуҳда» деган янги пьесасини тамомлади. Ҳамид Ғулом Кубанинг эрксевар халқи тўғрисидаги ҳикоялар китобини нашр эттирди ва «Машъал» романининг иккинчи китобини тамомлади. Мирмуҳсин ҳозирги ишчилар авлодининг шаклланишига бағишланган «Чиниқиш» романини ёзди. Назир Сафаров Турсуной Охунова тўғрисида «Олисни кўзлаган қиз» деган ҳужжатли қисса ёзди. Зиннат Фатхуллин «Ер қони» деган янги пьеса ёзди. Михаил Шевердин инсоннинг даштдаги кураши тўғрисида «Дашт соялари» романини ёзиб тугаллади. Пиримқул Қодиров ёшларимиз тўғрисида «Қадрим» повестини ёзди. Иброҳим Раҳим меҳнат қаҳрамонликларининг изидан бориб, матбуотда «Оловкор» қиссасини ва «Машъаллар ҳаммага нур сочади» очерклар китобини эълон қилди. Иззат Султонов ҳозирги замоннинг муҳим ахлоқий-этик масалаларини кўтариб чиқувчи «Имон» пьесасини яратди. Шоир Шайхзода Улуғбек тўғрисида драма ёзди. Саида Зунунова ҳикоялар китобини ёзиб бўлди. Бошқа ёзувчилар ҳам замондошларимиз тўғрисида янги асарлар яратдилар.

Таниқли шоиримиз Ғафур Ғулом улуғ партия, Ленин тўғрисида шеърлар китобини тайёрлади. Шоирлардан Уйғун, Зулфия, Миртемир, Қуддус Муҳаммадий, Рамз Бобожон, Андрей Иванов, Шуҳрат, Мамарасул Бобоев, С. Абдулла, Ҳабибий, Султон Акбарий, Шукрулло, Туроб Тўла, Рауф Ғалимов ва бошқалар янги китоблар, янги циклдаги шеърлар ва поэмалар билан чиқдилар. Бу асарларда замонанинг улкан проблемалари тилга олинади ва ечиб берилади.

Воҳид Зоҳидов, Ҳ. Ёқубов, И. Султонов, Г. Владимиров, О. Шарафиддинов, А. Қаюмов, В. Абдуллаев сингари кўплина адабиётшунослар ва танқидчилар сўнгги йилларда совет адабиётшунослиги ва танқидчилигининг бир қанча муҳим масалаларини ишлаб чиққанликлари бизни айниқса қувонтиради.

Барча совет ёзувчилари каби Ўзбекистон адиблари ҳам интернационализм, халқлар ўртасида абадий ва бузилмас дўстлик жарчиларидир. Улар миллий адабиётларимизнинг алоқасини мустаҳкамлашнинг янги йўлларини қидириб келдилар ва қидирмоқдалар. Бизда алоқа қилишнинг янги формаси — қардош адабиётлар ҳафталиклари вужудга келди. Бу ҳафталиклар Ўзбекистонда ҳам, бошқа республикаларда ҳам мустаҳкам амалий ҳамкорлик вазиятида ўтмоқда.

Ҳар бир ёзувчи ўз замонасини тараннум қилади. Бизнинг эса замонамиз ҳам янги, ёзувчиларимиз ҳам янгадир. Биз бир овоздан партиямизга ва бутун халқимизга: ер юзида партия ва халқнинг хизматкори бўлган совет адабиётидан бахтиёрроқ адабиёт ва совет ёзувчисидан бахтиёрроқ ёзувчи йўқ, демоқдамиз. Шаклан миллий, мазмунан социалистик адабиётимиз ва санъатимиз шунинг учун бойдирки, улар ўзбек маданиятининг чашмаларидангина эмас, шу билан бирга Совет Иттифоқи қардош халқлари, айниқса рус халқи маданиятининг чашмаларидан ҳам озуқа олиб келди ва олмоқда.

Никита Сергеевич Хрушчев давлат ишлари билан ғоят банд бўлишига қарамай, адабиёт ва санъатга кўп эътибор, ғамхўрлик қилаётгани ва унга кўп меҳнатини сарфлаётганини биз биламиз. Шунинг учун ўзим вакили бўлган катта ижодий коллектив номидан партияга ва шахсан ўртоқ Н. С. Хрушчевга қалбларимиздан отилиб чиқаётган самимий ва қизғин миннатдорчилигимизни изҳор қилмоқчиман!

Адабиётимизнинг муваффақиятлари ҳақида гапириш билан бирга, биз ҳисобот докладида айтиб ўтилган муҳим камчиликларга эътиборсиз қарай олмаймиз. Ўзбекистон ёзувчиларининг ўз китобхонларидан қарзи катта. Турмуш биздан ўзиб кетяпти. Коммунизм бўсағасида турган социалистик Ўзбекистоннинг қиёфасини белгиловчи улуғвор ва улкан ўзгаришлар адибларимизнинг катта полотноларида ҳали ўз муносиб аксини топганича йўқ. Меҳнат темаси адабиётимиз ва санъатимизнинг ҳамон заиф жойи бўлиб қолмоқда. Ёзувчилар, рассомлар, санъат арбоблари колхозларга, корхоналарга тезтез бориб туришлари, меҳнаткашлар билан кўпроқ алоқа қилиб туришлари, улар билан ишда ва турмушда бирга бўлишлари, ўз сўзлари ва ишлари билан уларга ёрдам беришлари зарур.

Партиянинг адабиёт тўғрисидаги доно, сезгир ва яхши ғамхўрлигига ёзувчилар ва барча ижодкор ходимларнинг берадиган энг яхши жавоби — кишиларнинг қалби ва онгини тўлқинлантирувчи, уларни Ватан шон-шавкати йўлида янги қаҳрамонликларга руҳлантирувчи, меҳнаткашларни юксак ғоявийлик ва коммунизмга содиқлик руҳида тарбияловчи ҳаққоний, юксак ғоявий ва юксак бадиий асарлар яратиш устида иш олиб боришдир, деб ҳисоблаймиз. **(Қарсаклар).**

Ўртоқ ХВАН МАН ГИМ нутқи

ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ РАЙОНИДАГИ «ПОЛИТОТДЕЛ» КОЛХОЗИНИНГ РАИСИ

Қишлоқ хўжалик артелимизнинг колхозчилари КПСС XXII съезди шарафига олинган социалистик мажбуриятларни бажариш йўлидаги фидокорона кураш натижасида эришган ўз меҳнат муваффақиятларини Ўзбекистон Компартияси XVI съезди делегатларига маълум қилишни менга топширдилар.

Замонамизнинг буюк тарихий ҳужжатлари — Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Программаси ва Устави проектларини муҳокама қилиш жараёнида омманинг ижодий активлиги мислсиз ўсди. Барча қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари колхоз ишлаб чиқаришининг ҳамма соҳаларида янгидан-янги ғалабалар билан партияни, ҳукуматни ва совет халқини қувонтиришга янгона фикр ва интилиш билан яшамоқдалар.

Биз етти йилликнинг учинчи йилини яхши бошлаб юбордик ва уни муваффақиятли тугалламоқдамиз. Совет халқи олтин йил деб атаган 1961 йил серқуёш Ўзбекистоннинг ҳамма хўжаликларида бўлганидек бизнинг еримизда ҳам олтин йил бўлди.

Ғайрат билан қилган меҳнатимизнинг натижалари қуйидагилардан иборат: 14 сентябрда колхоз давлатга каноп сотиш планини бажарди. Каноп йиғими давом этмоқда. Ҳозирги кунгача мамлакатга 21 280 тонна биринчи сортли каноп пояси топширилди, бу эса йиллик планнинг 127,6 процентини ташкил этади. Ҳосили йиғиштирилган майдоннинг ҳар гектар еридан ўрта ҳисобда 235 центнердан кўк поя олинди. Коммунистлардан Пак Си Гир, Петр Тен, Қўлдош Эргашев, Ҳярен Шин ўртоқлар бошлиқ бригадалар бундан ҳам ортиқ—ҳар гектардан 240-245 центнердан ҳосил олдилар. Биз давлатга 24.500 тонна шу қимматли техника хом ашёси сотиш ҳақидаги мажбуриятимизни 10 октябргача бажариш учун бутун чорани кўрмоқдамиз. Колхоз лубкорлари ўз реал имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, олинган мажбуриятлардан ташқари яна камида 2000-2500 тонна каноп пояси топширишга ёки йиллик планни 161 процент бажариб, ҳосилдорлик жиҳатидан 1960 йилда ўзлари қўйган жаҳон рекордини 9-10 центнер оширишга аҳд қилдилар.

Республиканинг ҳамма меҳнаткашлари каби биз ҳам пахта етиштиришни тобора кўпайтиришни ўзимизнинг энг муҳим интернационал бурчимиз деб биламиз. Илғор агротехникани дадил жорий қилиш, пахтани меҳр билан парвариш қилиш натижасида ғўзанинг ўсиш давридаги сув танқислиги туфайли вужудга келган қийинчиликларни бартараф қилиш ва мўл ҳосил тўплаш, унинг эрта етилишини таъминлаш, йиғим-теримга яхши муддатларда киришиш имконини берди.

Биз Ўзбекистон Компартияси XVI съездининг делегатларига шу нарсани хурсандлик билан маълум қиламизки, колхоз давлатга пахта сотиш планини 26 иш кунида 26 сентябрда 102 процент бажарди. 503 гектар ернинг ҳар гектаридан 33,3 центнердан пахта терилиб, тайёрлаш пунктига жўнатилди. Ўтган йилнинг шу пайтидагига нисбатан 1200 тонна кўпроқ пахта етказиб берилди ва бутун пахта биринчи сортга топширилди. Коммунистлардан Абдулла Абдураҳмонов, Хайрулла Мусақулов, Григорий Ким бошлиқ бригадалар гектаридан 35 центнердан пахта олдилар.

Ҳар гектар ердан 40 центнердан «оқ олтин» йиғиб олиш ҳақидаги социалистик мажбуриятимиз яқин кунлар ичида тўла бажарилибгина қолмай, ошириб ҳам бажарилади.

Биз Тошкент область ижроия комитети маҳаллий саноат бошқармасига қарашли корхоналарнинг коллективларига, Тошкент шаҳаридаги Октябрь ва Куйбишев районлари механизаторларига пахтани теришда ва давлатга топширишда бебаҳо ёрдам бераётганликлари учун катта ташаккур айтамиз.

Колхоз маккажўхорикорлари ўтган йилдагидек, бу йил ҳам ажойиб муваффақиятларга эришдилар. Ўзбекистон Компартияси XVI съездининг делегати Любовь Ли бошлиқ бригада суғориладиган 70 гектар ернинг ҳар гектаридан думбул сўтали 1967 центнердан кўк поя олди. Бу ҳосил чорвачилик учун мустаҳкам озуқа базасини вужудга келтиришга имкон берди. Маккажўхорикорлар 88 гектарлик уруғлик участкасининг ҳар гектаридан 65 центнердан «ВИР-156» сортли гибрид маккажўхори олдилар. Бу миқдор план топшириғидан икки баравар ортиқдир.

Колхозда ҳосилни йиғиб олиш билан бирга далаларни тозалаш ва кузги шудгорлаш ишлари ҳам олиб борилмоқда. Ҳозиргача 565 гектар ер ҳайдаб қўйилди.

Талантли селекционер олим Борис Петрович Страумалга пахтанинг тезпишар С—47-27 сортини яратганлиги учун унга чин қалбимиздан ташаккур изҳор қиламиз. Бу сорт Тошкент областининг шимолий районлари шароитида жуда яхши ўсмоқда. Шунингдек, Каэтан Антонович Висоцкийга унинг серҳосил маккажўхори сорти учун деҳқонлар номидан раҳмат айтамиз. Бу сорт бизга гоят мўл ҳосил етиштириш имкониятини берди.

Чорвадорларимиз масъулиятни чуқур ҳис қилиб ишламоқдалар. Колхозимиз гўшт сотиш планини 102 процент бажарди. 8100 центнер, яъни ўтган йилнинг шу пайтидагига нисбатан 950 центнер кўпроқ сут етиштирилиб, давлатга 5665 центнер, ёки 1960 йилги пландан деярли икки баравар кўпроқ миқдорда сут сотилди. Жун сотиш йиллик плани 117,5 процент, тухум сотиш йиллик плани 233 процент бажарилди.

Колхоз пиллачилари 160 қути қурт уруғининг ҳар қутисидан 73 килограммдан пилла олдилар ва давлатга пилла сотиш планини 117 процент бажариб, етти йиллигининг охирига белгиланган даражага эришдилар.

Биз шу нарсани фахрланиб айта оламизки, колхозимизнинг кўп миллатли аҳил коллективи ўз меҳнати билан КПСС Марказий Комитетига юборган хатида олган социалистик мажбуриятларини тўла бажарибгина қолмай, балки ошириб бажарди.

Буларнинг ҳаммаси учун колхозчи деҳқонларнинг энг яхши дўсти Никита Сергеевич Хрушчевга минг-минг раҳмат.

Партия: «Коммунизм ғалабаси кишиларга боғлиқ, коммунизм ҳам кишилар учун қурилади. Ҳар бир совет киши ўз меҳнати билан коммунизм тантанасини яқинлаштиради», деб тантанали суратда эълон қилди. КПСС Программаси проектидаги бу оташин сўзлар бизни илҳомлантиради, бизга янги куч ва ғайрат бағишлайди.

Никита Сергеевич Хрушчев бошлиқ жонажон Коммунистик партия ленинчи Марказий Комитетининг халқ бахт-саодати йўлида, социалистик Ватанимизнинг равнақи йўлида, ер юзида тинчлик бўлсин деб донолик ва изчиллик билан қилаётган ҳамма ишлари учун чин қалбимиздан миннатдорчилик ва қизғин ташаккур изҳор қиламиз.

Ўзбекистон Компартиясининг XVI съезди делегатлари амин бўлишлари мумкинки, «Политотдел» колхозининг аъзолари Коммунистик партияга, совет халқига фидокорона хизмат қилишга, коммунизм тантанаси учун курашдан иборат улуғ ишга бутун кучларини сарф қиладилар. **(Қарсаклар).**

Ўртоқ А. А. САРКИСОВ нутқи

«ГЛАВГОЛОДНОСТЕПСТРОЙ» БОШҚАРМАСИНИНГ БОШЛИҒИ

□ □ □

Коммунизмнинг моддий-техника базасини яратишда ерларни сув билан таъминлашга катта ўрин берилади.

Ўзбекистон мамлакатимизда суғориладиган деҳқончиликнинг йирик районидир. Бу ерда янги ерларни ўзлаштириш истиқболлари ғоят порлоқдир. Яқин йиллар ичида Мирзачўлда пахта ва бошқа экинлар экиш учун жуда катта майдонларни ўзлаштириш вазифаси олдимизда турибди, Мирзачўлни ўзлаштириш учун ҳозирнинг ўзида ғоят кўп маблағ сарфланди ва унда зарур моддий-техника базаси асосан вужудга келтирилди.

КПСС Программаси проектида капитал маблағлардан самараброқ фойдаланишга, сарф қилинган капитал маблағларнинг ҳар бир сўмига энг кўп маҳсулот олинишини таъминлашга ва бу маблағларни ўзлаштириш муддатларини қисқартиришга алоҳида эътибор берилади. Шу талаблар асосида ҳозирги вақтда Мирзачўлда олиб борилаётган ишларнинг иқтисодий жиҳатдан фойдалилиги аёнлиги аёнлиги аёнлиги ва аёнлиги аёнлиги аёнлиги

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИНИНГ XVI СЪЕЗДИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА РЕВИЗИЯ КОМИССИЯСИНИНГ ҲИСОБОТ ДОКЛАДЛАРИ ЮЗАСИДАН МУЗОКАРАЛАР

(Боши иккинчи бетда).

Омманинг ижодий ташаббускорлиги ишлаб чиқаришни бошқаришда актив қатнашишнинг янгидан-янги формаларини вужудга келтирмоқда. Булар — новаторлар кенгашлари, иқтисодий - анализ кенгашлари, илғор тажриба институтлари ва мактабларидир. Жамоат конструкторлик бюроларигина Ўзбекистоннинг 80 корхонасида ташкил этилди ва уларнинг ишида 1600 дан ортиқ новаторлар, инженер ва техниклар қатнашмоқда.

КПСС Программаси проектида илгари сурилган янги талаблар муносабати билан, касаба союз ташкилотлари маданий-оқартув ва тарбиявий ишларда, хўжалик қурилишида касаба союзларининг ролини оширишни ўзларининг энг муҳим вазифалари деб биладилар. Ҳозирги кунда Ўзбекистон касаба союзлари ўзларининг бутун кучларини республикамиз топшириши лозим бўлган 3 миллион 200 минг тонна пахта учун курашга сафарбар қилмоқдалар. Пахта етиштиришни кўпайтириш Ўзбекистон меҳнаткашларининг муҳим ватанпарварлик ва интернационал бурчидир.

Меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги соҳасида катта иш олиб борилмоқда. Кейинги икки йил ичида умуман республика халқ хўжалигида соғлом ва хавфсиз меҳнат шароити туғдириш тадбирларига янги пул билан қарийб 22 миллион сўм маблағ сарфланди. Шуни айтиб ўтиш керакки, Халқ хўжалиги кенгаши ва унинг бошқармалари, министрликлар ва идоралар, бир қанча корхоналарнинг раҳбарлари техника хавфсизлиги соҳасида ўзлари ишлаб чиқан тадбирларни амалга оширишга тегишинча масъулият билан қарамайдилар, кўпгина касаба союз ташкилотлари. Советлари ва комитетлари эса, Ўзбекистон касаба союзлари Советининг ўзи ҳам техника хавфсизлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини бузувчиларга нисбатан кўшинча муроса қилиб келадилар.

Биз хўжалик раҳбарлари билан биргаликда меҳнаткашларга соғлом ва хавфсиз меҳнат ва турмуш шароитини яратиб бериш учун бутун чораларни кўришни ўз вазифамиз деб биламиз. Бизнинг фикримизча, республика Министрлар Совети ҳам халқ хўжалигининг барча тармоқларида техника хавфсизлигига кўпроқ эътибор бериши лозим.

КПСС Программаси проектида жамоат ташкилотларининг вазифаларига катта эътибор берилган. Коммунизм қурилиши кенг авж олдирилган даврда жамоат ташкилотларининг роли яна ошади. Партия жамоат ташкилотларининг фаолиятини кучайтириш мақсадида касаба союзларининг маош олиб ишлайдиган аппаратини янада қисқартириш зарур, деб ҳисоблайди. Коммунистик қурилиш талаблари тақозо қиладиган бу йўл қатъий амалга оширилмоқда. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон ССР даги касаба союз ташкилотларининг қарийб 95 процентида бутун иш асосан жамоатчилик кучи билан бажарилмоқда. Республикада маош олиб ишлайдиган аппарати бўлмаган ва бутун иш активлар кучи билан олиб бориладиган 500 дан ортиқ район ва шаҳар касаба союз комитетлари бор. Бир қанча область комитетларида штатдан ташқари меҳнат ва иш ҳақи, меҳнатни муҳофаза қилиш, маданият бўлимлари ташкил этилган. Булар фақат биринчи қадамлардир. Республика касаба союзлари ўз фаолиятида жамоатчилик асосларини бундан буён ҳам қатъий жорий қиладилар. Ишимизнинг бош йўли ана шундай, партиямизнинг бош йўли ана шундай.

Касаба союзларининг куч манбаи партиянинг раҳбарлигидадир. Касаба союзлари партия директивааларини амалга ошириш учун фидокорона кураш олиб боришни ўзларининг энг муҳим бурчи деб ҳисоблайдилар. Биз Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва маҳаллий партия ташкилотларининг касаба союз фаолиятини моҳирлик билан бошқараётганликларини, уларнинг таъаббусларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётганликларини, касаба союз активи кадрларини тарбиялаш ҳақида ғамхўрлик қилаётганликларини кун сайин сезиб турибмиз. Партия ходимларининг катта группаси касаба союз органларига ишга юборилди. Касаба союз комитетларининг ишида минг-минглаб коммунистлар актив қатнашмоқдалар.

Шубҳа йўққи, касаба союзларига партия раҳбарлигининг янада яхшиланиши КПСС Программаси проектидан келиб чиқадиган вазифаларни муваффақиятли бажаришда уларга ёрдам беради ва уларнинг фаолиятини янада юксакликка кўтаради. **(Қарсаклар).**

Ўртоқ А. С. ОСАДЧАЯ нутқи

ТАХИАТОШ МАКТАБ-ИНТЕРНАТИНИНГ ДИРЕКТОРИ

□ □ □

Тахиатош шаҳри қад кўтариб турган жойлар бундан атиги бир неча йил муқаддам чўл-биёбон эди. Бир неча йил ичида бу ерда обод шаҳар вужудга келди. Темир йўл бизнинг шаҳримизни ва Қорақалпоғистоннинг ҳамма шаҳарларини Совет Иттифоқидаги барча шаҳарлар билан боғлади. Тахиатошда ўз саноати — иттифоқ аҳамиятига эга бўлган ремонт-механика заводи, ёғочсозлик заводи бор. Қорақалпоғистон улкан энергетикасининг тўнғичи — Тахиатош ГРЭСи ишга туширилганлиги шаҳримиз ҳаётида катта воқеа бўлди. Қорақалпоқ халқининг асрий орзуси рўёбга чиқди — узоқ овул ва посёлкаларда, чорвадорларнинг ўтовларида, нефть ва газ разведкачиларининг вишкаларида Ильич чироғлари порлай бошлади. Ҳозирги кунда ГРЭС электр энергияси Нукусга, Чимбойга, Қўнғиротга берилаётган бўлса, яқин кунларда қардош Туркманистоннинг Тошҳовуз области шаҳарларига юборила бошлайди.

Бизда ўз миллий кадрларимиз — инженерлар, техниклар, бинокорлар, малакали ишчилар етишиб чиқди. Ҳозирнинг ўзида 4 касалхона, мактабдан ташқари 6 та болалар муассасаси, икки кинотеатр, 4 та умумий таълим мактаби қурилди. Мактаб-интернат очилди. Бу мактаб-интернатда чорвадорлар, пахтакорлар, ишчи ва бинокорларнинг 300 боласи тарбияланмоқда.

Болаларнинг самарали ўқиши ва яхши тарбия олиши учун бизда ҳамма шарт-шароит яратиб берилган. Ҳамма мактаб-интернатлар каби бизнинг мактабимиз зиммасига ҳам порлоқ келажак кишисини тарбиялашдек фахрий вазифа юкланган, чунки биз тарбиялаётган болалар коммунизм даврида яшайди. Биз болаларда коммунистик жамият кишисига хос бўлган фазилатларни тарбиялашга, уларни меҳнатсеварлик, коллективизм, интернационализм, софдиллик, ростгўйлик, Ватанимизга муҳаббат руҳида тарбиялашга, уларга мустақкам ва ҳар томонлама билим беришга ҳаракат қиламиз.

Бизнинг мактабимизда ҳар хил миллат болалари: қорақалпоқлар, руслар, ўзбеклар, туркманлар, татарлар, 15 миллат намояндаларининг болалари тарбияланади. Бу эса болаларни кўп миллатли улуғ Ватанимиз халқларининг бузилмас дўстлиги руҳида тарбиялашга катта таъсир кўрсатмоқда. Бу, болаларнинг дарсларни яхшироқ ўзлаштиришларига ҳам ёрдам бермоқда.

Интернатимиз янги, коллективимиз ёш, иш тажрибамиз ҳам оз. Аслида, дастлабки қадамларгина қўйилди, аммо бунга қарамай, ҳаммамиз келажак кишисига ҳар томонлама тарбия ва таълим беришнинг ҳамма талабларига жавоб берадиган мактаб - интернатларнинг гоят катта афзалликларига қаттиқ ишонамиз.

Шу ҳақда гапирар эканмиз, биз қадрдонимиз Никита Сергеевич Хрушчевни кўп марта эсга оламиз. Мамлакатимизда болаларга таълим ва тарбия беришнинг бу янги формаси Никита Сергеевич Хрушчевнинг ташаббуси билан вужудга келди. Мактаб-интернатда тарбияланувчи болалар, уларнинг ота-оналари ва биз, педагоглар Коммунистик партияга, унинг Марказий Комитетига болалар тўғрисида қилаётган гоят катта ғамхўрликлари учун чин қалбимиздан ташаккур изҳор қиламиз.

Мактаб - интернатларга бутун халқ ғамхўрлик қилиши ва эътибор бериши керак. Бироқ, биз ўз ишимизда ҳали кўпгина қийинчиликларга ва ҳал этилмаган масалаларга дуч келмоқдамиз.

Ўқув-материал базасининг етарли бўлмаганлиги, интернатларни таъминлашга эътиборсиз қаралаётганлиги интернатларнинг ишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Кўп вақт биз зарур материалларни базаларимиздан эмас, балки четдан сотиб олиб, баъзан молия интизомини бузишга мажбур бўлмоқдамиз.

Биз болаларга таълим бериш ва меҳнат кўникмаларини ҳосил қилиш билан бирга, уларда гўзалликни сезиш туйғусини тарбиялашимиз, уларнинг бадиий ва музика қобилиятларини ривожлантиришимиз лозим. Ваҳоланки, бизда, яъни Қорақалпоғистонда музика маълумоти бўлган ўқитувчилар етишмайди. Ўзбекистон Маданият министрлиги бу масалани ҳал этиши керак.

Болаларни қандай қилиб бежирим кийинтириш масаласи ҳамма мактаб - интернат директорларини қизиқтирмоқда. Бироқ, ўқувчилар формаси ва боладар оёқ кийимини қулай ва бежирим деб бўлмайди. Ўртоқлар, агар бу ишга астойдил киришилса бу масалаларнинг ҳаммасини бемалол ҳал этиш мумкин.

Методика адабиёти, қўлланмалар болаларни тарбиялаш ишида катта ёрдам беради, аммо бизда бундай адабиёт ва қўлланмалар жуда кам. Кўпинча биз Макаренконинг бебаҳо асарларидан фойдаланамиз. Аммо, бу асарлар ёзилганидан кейин неча ўн йиллар ўтиб кетди, ҳаёт эса булоқдек қайнаб, олға боряпти. Болаларни тарбиялаш методикасида ҳам, болаларнинг ўзида ҳам қанчадан-қанча янгиликлар бўлиши лозим!

Ёзувчиларимиз ва кинематографчиларимиздан катта ғинамиз бор, улар мактаб-интернатлар ҳақида, уларда тарбияланаётган болалар ҳақида шу вақтгача бирорта ҳам бадиий асар яратмадилар.

Биз, педагоглар ёш авлодни, улар учун коммунизм қурилаётган авлодни тарбиялаш ишига бутун куч ва билимларимизни сарф қиламиз! **(Қарсаклар).**

Ўртоқ С. И. ИБРОҲИМОВ нутқи

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚУРИЛИШ МИНИСТРИ

□ □ □

Ўзбекистон бинокорлари Халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларини тўхтовсиз ривожлантиришга катта ҳисса қўшмоқдалар. Республикада капитал қурилиш кейинги бир неча йил мобайнида мисли сиз кенг қулоч ёйди. 1961 йилда қурилиш ишлари ҳажми 1957 йилдагига нисбатан қарийб икки баравар ошади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика ҳукумати Ўзбекистон ССР да қурилиш индустриясини вужудга келтириш тўғрисида кун сайин ғамхўрлик қилиб турганликлари туфайли қурилиш-монтаж ишларининг шундай ўсишига эришилди.

Кейинги 2-3 йил мобайнида республика шаҳарларида йиғма темир-бетон ишлаб чиқарувчи ўнлаб корхоналар ва механизация-лашган карьерлар қурилди.

Олдиндан туранг қилиб тортилган арматурали йиғма темир-бетон конструкцияларини заводларда ишлаб чиқаришнинг ўзлаштирилганлиги Ўзбекистон бинокорлик индустриясининг катта муваффақиятидир. Меҳнатни кўп талаб қиладиган ишларни комплекс механизациялаш даражаси анча ошди.

Ўзбекистонда йирик панелли уйлар қуриш кенг қулоч ёйди. Тошкентдаги уй қуриш комбинати ишлаб чиқариш технологиясини қисқа муддат ичида ўзлаштириб олда. 1962 йилдаёқ республика шаҳарларида йирик панелли уйлар қурувчи ўнта комбинат ишга туширилади. Бу эса, уй-жой қурилиши суръатларини кескин равишда ошириш имкониятини беради.

Министрликка қарашли ташкилотлар етти йиллик бошлангандан бери қарийб 500 саноат корхоналарини, маданий-маиший ва бошқа объектларни қуриб бердилар. Рангли металлургия, химия ва кўмир саноати, бинокорлик материаллари, енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналарида қўшимча равишда янги қувватлар ишга солинди, кўпгина машинасозлик корхоналари реконструкция қилинди.

Министрлик қарамоғидаги ташкилотлар ўқув йили бошлангунча 32 мактаб ва 18 минг бола учун мактаб-интернат биноларини қуриб битказадилар.

Қурилиш министрлигининг, унинг корхоналари ва ташкилотларининг ишларида кўпгина жиддий камчиликлар борлигини эътироф қилиш керак. Ўртоқ Рашидов ўз докладида ва делегатлар ўз нутқларида бу камчиликларни жуда тўғри кўрсатиб ўтдилар.

Биз ҳали пудрат ишлари юзасидан белгиланган планни бажарганимизча йўқ. Умумий бинокорлик ва ихтисослаштирилган 18 трестдан фақат 5 трест планни бажарди. Олтинтопган комбинатини мис саралаш фабрикаси, Оҳангарон цемент заводининг биринчи навбати каби муҳим объектлар ва бошқа йирик корхоналар ўз вақтида қуриб ишга туширилмади.

Кўп қурилишларда иш яхши уюштирилган эмас, материалларнинг, иш ҳақи фондининг ортиқча сарфланишига, ишда кўп бракка йўл қўйилмоқда. Шу сабабли меҳнат унумдорлигини ошириш ва қурилиш таннархини камайтириш юзасидан топшириқлар бажарилмаётир.

Техника тараққиёти соҳасида биз барча имкониятлардан фойдаланганимизча йўқ. Арматуралар орасини тўлдирувчи енгил нарсалар ишлаб чиқариш суст ривожланмоқда. Шундай материалларни ишлаб чиқариш юзасидан мавжуд ускуналардан жуда қониқарсиз фойдаланилмоқда. Минерал момиқ ва бошқа замонавий бинокорлик материалларини ишлаб чиқариш яхши йўлга қўйилган эмас. Илғор тажрибалар кенг оммалаштирилмаётир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг қарорига мувофиқ қурилиш министрлиги қарамоғида тузилган «Оргтехстрой» трести қурилишларда янги техникани жорий этиш ишини кенг кўламда кучайтириб юбориши ва бу соҳадаги ишларга бошчилик қилиши керак. Республикадаги илмий тадқиқот ва проектлаш ташкилотлари бу ишда катта роль ўйнашлари лозим. Техника тараққиёти масалаларини координациялаш соҳасида республика Госстройининг ролини бинокорлик индустрияси ҳали ҳам етарли даражада сезмаяпти.

Ўртоқлар, республикамиздаги кўп минг кишилик бинокорлар армияси ўз ишидаги камчиликларни бартараф қилиш учун ҳамма чораларни кўради ва мамлакатимизда коммунистик жамият қуриш учун умумхалқ курашига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади, деб сизларга ваъда беришга рухсат этингиз. **(Қарсаклар).**

Ўртоқ А. М. ҚОДИРОВ нутқи

ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ БОШҚАРМАСИНИНГ БОШЛИҒИ

Коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтиришда темир йўл транспорти катта ўрин тутади. Бутун Совет Иттифоқида ташилаётган юкнинг 80 процента ҳозир темир йўл транспорти ҳиссасига тўғри келади. Шу сабабли Коммунистик партия ва Совет ҳукумати темир йўл транспортини техника билан тобора кўп қуроллантириш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилиб келмоқдалар.

Кейинги йилларда темир йўл транспорти ходимларининг малакаси анча ўсди. Олий ва ўрта маълумотли турли касблардаги мутахассисларнинг катта отряди темирйўлчилар коллективига қўшилди.

Кадрларимизнинг малакаси ва ғоявий савияси ўсиши билан бир қаторда темир йўлларни техника билан таъминлаш ишлари давом эттирилди ва темир йўл хўжалиги ривожлана борди. Ҳозирги вақтда тепловозларнинг салмоғи 80 процентга етди. Тепловозларнинг тобора кўп қатнай бошлаши натижасида 8 паровоз депосини, кўпгина ёқилғи омборларини ва бошқа хўжалик бўлинмаларини ёпиш имконияти туғилди. Темир йўл хўжалигининг бошқа тармоқларида ҳам техника тараққиёти юксак даражага кўтарилди.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати пассажирларни ташиш ишларини яхшилаш масаласига катта эътибор бермоқдалар. Биз партия ва ҳукуматнинг кўрсатмаларини бажара бориб, пассажир поездларининг қатновини тағин ҳам жадаллаштириш, вагонлар сонини кўпайтириш, вокзалларни ва оролиқдаги станцияларни обод қилиш соҳасида бир қанча тадбирларни амалга оширдик. Тошкент вокзалини реконструкция қилиш ишлари тамомланди. Бу чора пассажирларга хизматни яхшилаш билан бирга республика пойтахти вокзалининг қиёфасини ҳам ўзгартириб юборди.

Юқорида айтиб ўтилган ишлар ва бошқа тадбирлар, шунингдек партия, совет ва касаба союз ташкилотларининг доимий ёрдами билан илғор меҳнат методларининг жорий қилинганлиги ва коммунистик меҳнат мусобақасининг кенг авж олганлиги темирйўлчилар коллективининг 1960 йилда юк оргиш ва юк ташиш давлат планинигина эмас, балки бу планнинг барча асосий техника-иқтисодий кўрсаткичларини ҳам муддатидан илгари бажаришига имконият яратиб берди. Темир йўлчилар коллективи тўққиз ойлик юк оргиш давлат планини муддатидан илгари бажарди.

Шу билан бирга Тошкент темир йўли ишларида баъзи камчиликлар ҳам бор. Масалан, галла ва бошқа юклар жуда кўп ташилаётганлиги муносабати билан ҳар куни юк ортилмай қолаётган вагонлар сони 2 мингга етиб қолди. Тунги пайтларда ва дам олиш кунларида юк бўшатиб олиш ишлари ҳам қониқарсиз бормоқда.

Биз партия ва совет ташкилотларининг ёрдами билан темир йўл коллективи Халқ хўжалиги кенгаши, қурилишлар, саноат корхоналари ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда ана шу камчиликларга тезликда барҳам беришига аминмиз.

Халқ хўжалигини КПСС Программаси проектида кўзда тутилган тарзда узлуксиз юксалтириш учун транспортнинг ҳамма турларини тез ва уйғун суратда ривожлантириш талаб этилади. Бунинг маъноси шуки, биз ўзаро мувофиқлаштирилган иш планига ва саноат, темир йўл ва дарё транспортини ривожлантиришнинг ўзаро келишилган планига эга бўлишимиз керак.

Саноат ва темир йўл транспорти тўғрисида гапирганда, шохобча йўллар тўғрисида, уларнинг Тошкент темир йўлидаги салмоғи ҳақида бир неча сўз айтиш ўринлидир. Турли корхоналарнинг 550 га яқин шохобча йўллари Тошкент темир йўли билан туташиб кетган. Юк ортиш-тушириш ишларининг ярмидан кўпроғи ана шу шохобча йўлларда бажарилади. Аммо ана шу шохобча йўлларнинг техника билан таъминланиши магистрал техникасидан кўп жиҳатдан орқада қолган. Бунинг натижасида вагонлар узоқ вақт бекор туради ва бундан давлат анча зарар кўради. Ана шу нуқсонларга барҳам бермоқ учун амалий чоралар кўриш керак.

Кейинги вақтларда шаҳарлар ва шаҳар атрофи аҳолисига темир йўл ва автобус транспортининг хизмати анча яхшиланди. Аммо, кўпинча шундай бўладики, айрим йўлларда темир йўл ва автобус маршрутлари бўлгани ҳолда, узоқ жойлардаги баъзи районларнинг аҳолиси транспортнинг ана шу турлари билан мутлақо етарли даражада таъминланмаган. Тошкент темир йўли пассажир вагонларнинг катта паркига эгадир. Биз, пассажир вагонлар қатновини кенгайтира оламиз ва бунинг ҳисобига параллель темир йўл изларидан олинган талайгина автобусларни бошқа жойларга юбориш имконияти туғилган бўлур эди. Шундай қилганда бу автобуслардан темир йўлдан узоқда бўлган районлар билан алоқа боғлаш учун фойдаланиш мумкин бўлур эди. Бу масалани қараб чиқиш ва транспортнинг ҳамма турларини келишилган план асосида ривожлантириш чораларини белгилаш керак. Бу— аҳоли учун ҳам ,темир йўл ходимлари учун ҳам қулайлик туғдиради.

Съездни ишонтириб айтаманки, КПСС Программаси проектидан илҳомланган Тошкент магистралининг темир йўлчилари етти йиллиқнинг учинчи йили планини муваффақиятли бажариш учун бутун кучларини сафарбар қиладилар. **(Қарсаклар).**

Ўртоқ Т. БУМАТОВ нутқи

ПАХТАКОР РАЙОНИДАГИ «ЛЕНИНЧИ ЧОРВАДОР» КОЛХОЗИНИНГ СТАРШИЙ ЧЎПОНИ

□ □ □

Партиямизнинг тарихий XXII съезди очилишигача саноқли кунлар қолди. Ҳар бир совет киши съездга ўз меҳнат совғасини тайёрламоқда. Бу мусобақада биз, чорвадорлар ҳам актив қатнашмоқдамиз. Биз қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз.

«Ленинчи чорвадор» колхози меҳнат соҳасида янги муваффақиятларга эришмоқда. Бу йил колхозимиз ҳар юз бош совлиқдан 115 тадан қўзи олди. Колхоз давлатга 47.100 дона қоракўл тери сотиб, ўз мажбуриятини анча ошириб бажарди.

Ўз муваффақиятларим ҳақида гапириб ўтмоқчиман. Менга 500 дан ортиқ совлиқ биркитилган. 1960 йилда ҳар юз совлиқдан 183, бу йил эса 185 тадан қўзи олдим. Ҳар бош қўйдан 3 килограмм 800 грамм жун қирқиб олинди.

Ўртоқларим Равшан Саидов, Суюн Расулов, Қувват Йўлдошев, Шомурод Қумратов ва бошқа ўнлаб чўпонлар ҳар 100 совлиқдан бу йил 175-185 тадан қўзи олдилар.

Шу билан бирга, бизнинг ҳамма ишимиз жойида деб бўлмайди. Обҳавонинг ноқулай келганлиги натижасида бу йил яйловларда ўт кам бўлди. Шу сабабли колхозда анчагина чорва молларнинг семизлиги ўртачадан паст бўлди. Ҳозир чорва молларнинг бир қисмига қўшимча озуқа берилиб, қишловни намунали ўтказиш учун ҳамма чоралар кўрилмоқда.

Барча совет кишилари каби мен ҳам партиямизнинг янги Программаси проекти билан танишиб чиқиб, мамлакат олдида турган вазифаларни ҳал этиш ишига ўз ҳиссамни қўшишга аҳд қилдим. Қўйларнинг нобуд бўлишига йўл қўймаслик учун чорва моллар қишловини намунали ўтказишга тайёргарлик кўришга катта эътибор бермоқдаман. Ҳозир менга биркитилган қўйларнинг ҳаммаси ўрта ва юқори семизликда. Мен 1962 йилда ҳар юз бош совлиқдан 186 тадан қўзи олиш, ҳар бир бош қўйдан қирқиб олинадиган жун миқдорини 3 килограмм 900 граммга етказиш учун бутун кучимни сарф қиламан. Олган мажбуриятимни шараф билан бажараман, деб съезд делегатларига ваъда бераман. **(Қарсаклар).**

Ўртоқ Т. А. САРИМСОҚОВ нутқи

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ МИНИСТРИ

□ □ □

Ўзбекистондаги олий ўқув юртларининг фаолияти мактабнинг турмуш билан боғланишини мустаҳкамлаш ва халқ маорифи системасини янада ривожлантириш тўғрисидаги Қонунини бажариш шиори остида амалга оширилмоқда. Бу Қонуннинг асосий идеяси таълимни унумли меҳнат билан, фанни ишлаб чиқариш билан узвий равишда боғлаб боришдан иборат.

Мамлакатимизда фанни ва олий таълимни ривожлантириш масаласи юзасидан Никита Сергеевич Хрушчев ва партия ҳамда ҳукуматнинг бошқа раҳбарлари иштироки билан яқинда Кремлда ўтказилган кенгаш бу соҳада жуда катта аҳамиятга эгадир. Партиямизнинг ғамхўрлиги олий мактабларда ишловчи барча ходимларни коммунистик қурилишнинг КПСС Программаси проектида баён қилинган буюк вазифаларини ҳал этишда янада зўр ғайрат билан ишлашга илҳомлантиради.

Республикадаги олий ўқув юртлари кейинги йилларда олий таълимни қайта қуриш соҳасида бир мунча иш қилдилар. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети кадрлар тайёрлаш ва фаннинг айрим соҳаларидаги илмий тадқиқот ишларининг аҳволини батафсил қараб чиқдилар ва бир қанча конкрет қарорларни, шу жумладан, университетлар, техника, қишлоқ хўжалиги, педагогика ва санъатшунослик олий ўқув юртларининг фаолиятини яхшилаш ва қайтадан куриш, ўрта махсус таълимни, сиртқи кечки таълимни яхшилаш юзасидан конкрет қарорлар қабул қилдилар. Бу билан олий ўқув юртларимизга катта ёрдам берилди.

Ҳозирги вақтда барча олий ўқув юртлари студентларининг ишлаб чиқариш таълими корхоналарнинг ўзида уюштирилмоқда. Студентлар корхоналарда ишлаб чиқариш малакасини ҳосил қилмоқдалар. тегишли касбларни эгалламоқдалар. Улар айрим корхоналарда коммунистик меҳнат коллективлари аъзолари бўлиб ишламоқдалар, колхоз ва совхозларда мустақил трактор-далачилик бригадаларини ташкил этмоқдалар. ишлаб чиқариш вазифаларини конкрет равишда ҳал этиб, диплом проектларини тайёрламоқдалар. Корхоналар билан амалий алоқа тобора мустаҳкамланмоқда. Олий ўқув юртларида ишлаётган олимлар коллективи ҳам илмий тадқиқот ишларини уюштиришда муайян натижаларга эришди.

Аммо шундай бўлса ҳам, малакали кадрлар тайёрлаш ва илмий-тадқиқот ишларини уюштиришда жиддий камчиликлар кўп. Ўртоқ Ш. Р. Рашидовнинг ҳисобот докладида бу камчиликлар кўрсатиб ўтилди. Қилинган ишлар фақат биринчи қадамларгина бўлиб, ҳаёт томонидан ва халқ хўжалиги тараққиётининг жадал суръатлари томонидан қўйилаётган катта вазифалардан ҳали ҳам кейинда қолмоқда.

Биз мутахассислар тайёрлаш ишларининг сифатини ва уларнинг ғоявий-назарий савиясини зўр ғайрат ва сабот билан ошира боришимиз, таълим процессини коммунистик қурилиш тажрибалари билан чуқур боғлаб олиб боришимиз керак. Студентларни пролетар интернационализми руҳида, коммунизм қурувчиларнинг КПСС Программаси проектида баён қилинган ахлоқ кодекси руҳида тарбиялашимиз лозим.

Илмий тадқиқот ишларини янада юксак даражага кўтариш, тадқиқот ишлари тематикаси ва йўналишини КПСС Программаси проектининг талабларига мувофиқ қайта кўриб чиқиш, энг йирик назарий проблемалар ва муҳим халқ хўжалиги проблемаларининг ишлаб чиқилишини таъминлаш, олий ўқув юртларидаги олимларнинг катта коллективини жипслаштириш ҳам энг муҳим вазифаларимиздандир. Бунинг учун педагогика кадрларининг, хусусан талантли ва қобилиятли ёшлар орасидан етишиб чиққан кадрларнинг илмий савиясини кескин суратда ошириш ва КПСС Марказий Комитети ҳамда СССР Министрлар Советининг кейинги қарорлари асосида яратиб берилган янги, қулай шарт-шароитларга таяниб иш кўришимиз зарур. Олий ўқув юртларининг моддий-техника базаси ҳозирги замон талабларига ҳали жавоб бермаётир. Шу сабабли олий ўқув юртларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш — уларнинг ишларини юксак даражага кўтаришнинг энг муҳим шартидир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети Тошкентда олий ўқув юртлари шаҳарчасини барпо қилиш схемасини қараб чиқиб, маъқуллади. Бу шаҳарчада университет, политехника институти ва физкультура институти жойлашади.

Олий ўқув юртларимизда мутахассислар тайёрлаш сифати умумий таълим мактабларининг иши билан чамбарчас боғланган. Олий ўқув юртларига кирувчи ёшларнинг фикр доираси етарли даражада кенг бўлиши, улар билимларни, хусусан, математика, физика, химия фанларини, рус тили ва чет тилларни пухта ўзлаштириши зарур. Аммо бу соҳадаги аҳвол кўнгилдагидек деб бўлмайди. Бу йилги қабул имтиҳонлари ёшларнинг тайёргарлиги ҳали ҳам етарли эмаслигини кўрсатди. Ўрта мактабларда, хусусан қишлоқлардаги ўрта мактабларда ёшларни тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш учун жиддий чоралар кўриш керак. Шу муносабат билан ўқитувчилар тўғрисидаги ғамхўрлиқни кучайтириш, ўқитувчи кадрлар кўнимсизлигига йўл қўймаслик ва мактабларнинг моддий базасини мустаҳкамлаш керак.

Ишлаб чиқаришдан ва Совет Армияси сафларидан келиб, ўқишга интилаётган ёшларни тайёрлаш учун нормал шарт-шароит вужудга келтириш — энг муҳим вазифаларнинг биридир. КПСС Программасининг проектига мувофиқ, олий ўқув юртларида ва ўрта махсус ўқув юртларида ўқувчилар сонини бундан буён ҳам кўпайтираборш, кечки ва сиртқи таълим шохобчаларини кенгайтириш керак.

Сизларни ишонтириб айтаманки, республикамиздаги олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг ходимлари марксизм-ленинизм улуғ ғоялари руҳида тарбияланган, ўзининг улуғ социалистик Ватанига чексиз содиқ бўлиб, коммунизм улуғ ишининг тантанаси йўлида фидокорона меҳнат қилишга тайёр турган пухта маълумотли ёш мутахассислар тайёрлаш учун кўлларидан келган ҳамма чораларни кўрадилар. **(Қарсаклар).**

Ўртоқ Ж. Х. ҚУРБОНОВ нутқи

ҒИЖДУВОН РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕКРЕТАРИ

Бутун совет халқи каби Ғиждувон район меҳнаткашлари ҳам КПСС Программаси проектини қизғин маъқуллаб кутиб олдилар. Бу Программада, ҳозирги авлод коммунизм даврида яшайди, деб тантанали равишда эълон қилинади.

Район ишчилари, колхозчилари, зиёлилари коммунизм қурилиши ҳамма ижодий кучларни зўр бериб ишга солишни талаб этишини жуда яхши биладилар. Биз Ўзбекистон Компартияси XVI съезди делегатларига шу нарсани ҳурсандчилик билан маълум қиламизки, район меҳнаткашлари етти йиллиқнинг биринчи ва иккинчи йили халқ хўжалик планини саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг ҳамма кўрсаткичлари бўйича тўла ва ошириб бажардилар.

Бу йил — райондаги барча коммунистлар, барча пахтакорлар учун жиддий синов йили бўлди. «Оқ олтин» ҳосили сув танқислигининг оғир шароитида етиштирилди. Район партия ташкилоти сувни ниҳоятда тежаш, коллектор ва сизот сувларидан кенг фойдаланиш чораларини кўрди. Айни маҳалда ғўза парваришини қоидаларига қаттиқ риоя қилиниши устидан контроль кучайтирилди. Шу тадбирлар натижасида план топшириқларигина эмас, социалистик мажбуриятни ҳам бажариш имконини берадиган миқдорда мўл ҳосил тўплаб олинди.

Ҳозирги вақтда асосий вазифа — етиштирилган бутун пахта ҳосилини сира нобуд қилмай, ўз вақтида териб олиш, уни Ватан омборларига юқори сифат билан топшириш-дир. Дастлабки муваффақиятлар ғўлга киритилганини маълум қилиш билан ҳурсандман. Ҳар куни тайёрлов пунктларига йиллик планнинг икки процентига ва ундан ҳам ошиқ миқдорда пахта топширилмоқда. Ҳозиргача давлатга 11 минг тоннадан ортиқ пахта топширилиб, план 35 процент бажарилди.

Терим суръати кучайиб бормоқда. Далага 50 та пахта териш машинаси чиқарилди. Республикага машҳур механик - ҳайдовчилар Обида Ҳамроева билан Ғайбулла Бўриевлар ҳар куни 6-8 тоннадан пахта териб, ажойиб муваффақиятларга эришмоқдалар. Район меҳнаткашлари КПСС XXII съезди очиладиган кунгача йиллик планнинг 80 процентини миқдорида пахта териб, давлатга топшириш учун ҳамма зарур чораларни кўрадилар.

Пахта сотиш йиллик топшириғи октябрь ойининг охиригача, социалистик мажбурият эса 7 ноябрь байрамигача бажарилади.

Район колхозлари давлатга пилла, тухум, қоракўл тери сотиш соҳасидаги социалистик мажбуриятларни ҳам муваффақиятли бажардилар. Давлатга сабзавот, картошка ва узум сотиш плани яқин фурсатда адо этилади.

Район меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг тарихий қарорларини бажара бориб, жамоат чорвачилигини ривожлантириш, унинг маҳсулдорлигини оширишда ҳам айрим ютуқларни қўлга киритдилар.

Район меҳнаткашлари ўзларининг ана шу зафарларини жонажон Коммунистик партиянинг XXII съездига бағишламоқдалар.

Даромадларнинг ўсиши колхозларга бўлинмас фондлар учун кўпроқ маблағ ажратиш, уй-жой ва маданий-маиший қурилишга кўпроқ маблағ сарфлаш имконини берди. Уйлар қурилиши тез суръатлар билан олиб борилмоқда. Бизда ўз клуби, кинотеатри, касалхонаси, медицина пункти, туғруқхонаси, кутубхонасига эга бўлмаган колхоз йўқ. Район мактаблари республикада биринчилар қатори бир сменали машғулот ўтказишга кўчди. Айрим колхозлар типовой мактаб-интернатлар қуришни авж олдириб юборди. Болалар муассасаларининг шохобчасини кенгайтириш масаласи муваффақиятли ҳал қилинмоқда.

Бу муваффақиятларнинг ҳаммаси Коммунистик партия ва Совет ҳукумати, шахсан Никита Сергеевич Хрушчев инсонга оталарча ғамхўрлик қилаётганликларининг ёрқин ифодасидир.

Биз бундан ҳам кўпроқ муваффақиятларни ғўлга киритишимиз мумкин эди. Лекин ички резервлардан пахта ва бошқа экинлар ҳосилдорлигини ошириш, чорвачилик маҳсулдорлигини кўпайтиришда ҳали тўлиқ фойдаланилмаётир. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Рашидов буни ўз докладида жуда ҳаққоний тарзда кўрсатиб ўтди.

Далалар яхши текисланмаётганлиги пахтадан кам ҳосил олиб келинаётганлигининг асосий сабабларидан биридир. Суғориш карталарининг сатҳи паст-баланд бўлганлиги орқасида далаларнинг шўри яхши ювилмайди. шўр кўпайиб кетади, натижада ғўзалар ола чиқади.

Биз Ўзбекистон Компартияси

СОВЕТ ҲУКУМАТИНИНГ БАЁНОТЛАРИ

ЯДРО ҚУРОЛИ СИНОВЛАРИ МАСАЛАСИ ҲАҚИДА

МОСКВА, 28 сентябрь. (ТАСС). Совет ҳукумати ҳамма халқларга, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг аъзолари бўлган ҳамма давлатларнинг ҳукуматларига мурожаат қилиб, уларни қаттиқ халқаро контроль остида ёппасига ва батамом қуролсизланиш масаласини кечиктирмай ҳал қилмоқ ва шу тариқа ер юзида мустаҳкам тинчликни таъминламоқ учун зарур бўлган ҳамма чораларни кўришга чақирди.

Бу чақириқ ядро қуроли синовлари масаласи ҳақида Совет ҳукуматининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг XVI сессиясига тақдим этган баёнотида баён қилинган.

СССР ҳукумати тантанали равишда шуни айтадики, Совет Иттифоқи қаттиқ халқаро контроль остида ёппасига ва батамом қуролсизланиш тўғрисидаги битимга келиш ҳақида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг қарорларини амалга оширишга тўсқинлик қилаётганликлари ядро қуроли синовларини тўхтатиш масаласига бутунлай янги тус берди.

Шу нарса равшан бўлиб қолдики, дейилади баёнотда, Ғарб давлатлари ҳеч нарсага қарамай зўр бериб қуроллашишни давом эттираётган шароитда ядро синовларини тўхтатиш тўғрисида алоҳида шартнома тузиш халқларнинг назарида ядро урушини тўхтатиш учун нималардир қилинаётган экан, деган хом хаёл туғдириши мумкин, холос, аммо амалда Ғарб давлатлари ядро урушини бошлаш тайёргарлигини кўрмоқда лар.

Қуролсизланиш умумий проблемасини ҳал қилишдан ажратилган ҳолда ва ядро билан зўр бериб қуроллаиш давом эттирилаётган шароитда синовларни тўхтатиш тўғрисида шартнома тузиш тинчлик ишига фойда етказиши уёқда турсин, балки бундай шартнома ҳатто тескари оқибатларга олиб келган—ядро урушига кўрилаётган тайёргарликни ниқобланган бўлур эди, дейилади Совет ҳукуматининг баёнотида.

Женевада олиб борилган музокаралар вақтида айтилганидек, синовларни тақиқлаш тўғрисида ёппасига ва батамом қуролсизланишдан ажратилган ҳолда уч давлат ўртасида тузиладиган битим давлатларнинг зиммасига маънавий мажбуриятлардан бошқа ҳеч қандай мажбурият юкламайди. СССР ҳукумати буни қайд қилиб, Франция мана шу маънавий мажбуриятларни АҚШ ва Англиянинг ёрдами билан қўпол равишда пойма-пой қилганлигини баёнотда кўрсатиб ўтади.

Бинобарин, дейилади Совет ҳукуматининг баёнотида, агар ёппасига ва батамом қуролсизланиш учун сабот ва қатъият билан кураш олиб борилмаса, ҳатто уч давлат синовларни тўхтатиш тўғрисида шартнома тузганлари тақдирда ҳам, эртага бошқа давлатларнинг ҳам ўз ядро қуроли синовларини бошлаб юбормасликларига ҳеч ким кафил бўлолмайди.

«Ҳақиқатдан кўз юммаслик керак: атом радиациясининг тирик организмларга зарарли таъсири масаласи ҳозир асосий масала эмас, балки инсониятни термоядро уруши хавфидан халос қилиш, ўн миллионлаб ва юз миллионлаб кишиларнинг ҳаётини сақлаб қолиш, атом қуролининг ишлатилишига йўл қўймаслик масаласи асосий масаладир. Бу мақсадга эса, фақат ёппасига ва батамом қуролсизланишни амалга ошириш йўли билангина эришиш мумкин. Ҳозир асосий мақсад, асосий вазифа мана шудир».

Халқаро кескинлик ниҳоят даражада кучайиб кетган шароитда, дейилади баёнотда, Совет ҳукумати СССР нинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш ғамини ейишга мажбур бўлиб қолди. У, ядро қуролининг экспериментал портлатишларини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилишга мажбур бўлди. «Совет ҳукумати ўзи хоҳламаса ҳам, лекин вазиятнинг тазйиқи остида шу чораларни кўрди, лекин у, Совет Иттифоқи ва барча социалистик давлатлар хавфсизлигининг ҳаётий муҳим манфаатларини назарда тутиб шундай чораларни кўришдан бошқа иложи қолмади».

Баёнотда уқтириб айтиладики, Совет ҳукумати ядро синовларини тўхтатиш масаласини яккаланган ҳолда эмас, балки ёппасига ва батамом қуролсизланиш негизида ҳал қилиш реал ва оқилона йўл бўлади, деб ҳисоблайди.

Совет Иттифоқи самарали контролсиз қуролсизланишга ҳеч қачон розилик бермайди. Совет ҳукумати шу нарсага қатъий аминдирки, ёппасига ва батамом қуролсизланиш негизида ядро қуроли синовларини тўхтатиш масаласини ҳал қилиш тўғрисида Совет ҳукуматининг ҳозирги шароитдаги таклифи бирдан-бир тўғри ва реал таклифдир.

Агар давлатлар самарали халқаро контроль остида ёппасига ва батамом қуролсизланишни амалга оширсалар, ер устида, ер остидз, атмосферада ёки коомик фазода ядро қуроли синовларини ўтказишга ҳеч ким интилмайдиган бўлиб қолади, ҳеч ким ҳеч нарсани синамайди ҳам, чунки ядро қуролининг ўзи йўқ қилиниб юборилган бўлади, дейилади СССР ҳукуматининг баёнотида.

Мустамлака мамлакатларга ва халқларга мустақиллик бериш тўғрисидаги декларацияни амалга оширишнинг бориши тўғрисида

Мустамлака мамлакатларга ва халқларга мустақиллик бериш тўғрисидаги декларацияни амалга оширишнинг бориши ҳақида Совет ҳукуматининг баёнотини СССР делегацияси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг XVI сессиясига тақдим қилди. Совет ҳукумати, Бош Ассамблея 1962 йилни мустамлакачиликни батамом тугатиш йили деб эълон қилсин, деган таклифни киритди. Баёнотда бундай дейилади: **«Бутун планетамиз миқёсида мустамлакачилик системасини тугатишни 1962 йилнинг охиригача тугаллаш** жуда реал вазифадир, бунинг учун барча эрксевар давлатлар ва халқлар мустамлакачиларнинг қаршилигини синдириш мақсадида бирлашишлари шарт».

Мустамлака мамлакатларга ва халқларга мустақиллик бериш тўғрисидаги тарихий декларация Совет Иттифоқининг ташаббуси билан 1960 йил 14 декабрда қабул қилинган эди. Бу декларацияда мустамлакачиликка ҳамда унинг ҳамма формалари ва кўринишларига дарҳол ва ҳеч сўзсиз хотима бериш зарурлиги тантанали равишда эълон қилинган эди. Мустамлакачи давлатлар бўлган АҚШ, Англия, Франция, Португалия, Бельгия, Жанубий Африка Иттифоқи, Испания, Австралия ва уларга қўшилган Доминикан Республикасидан бошқа жаҳоннинг ҳамма давлатлари декларацияни якдиллик билан қувватладилар ва бу билан шармандали мустамлакачилик системасини батамом тугатиш кераклигини айтдилар. Бу — бутун прогрессив инсониятнинг катта ғалабаси бўлди, социалистик мамлакатларнинг ҳамда Осиё, Африка ва Латин Америкасидаги мустақил давлатларнинг мустамлакачиликка ва империализмга қарши биргаликда олиб бораётган курашларидаги зўр муваффақият бўлди.

Бироқ фактлар шуни яққол кўрсатиб турибдики, дейилади баёнотда, мустамлакачи давлатлар декларациянинг талабларини ҳақиқатда назар-писанд қилмаётирлар. Декларациянинг асосий талабининг — мустамлакалардаги ҳамма халқларга ўз тақдирини ўзи белгилаш, яъни мустақил миллий давлатлар тузиш ҳуқуқи дарҳол ва сўзсиз берилсин, деган талабнинг ўндан бир қисми ҳам бажарилгани йўқ. Шу йилнинг охирига қадар, 1962 йилнинг 1 январигача рўй берган ёки рўй берадиган ҳамма ўзгаришларни ҳисобга олган тақдирда ҳам, **яна 88 та территория ва шу территориялардаги 71,1 миллион киши мустамлакачилар ҳукмронлиги остида қолаверади.** Бундан буён ҳам мустамлакаларнинг халқларига мустақиллик бериш мана шундай суръатлар билан давом этадиган бўлса, у ҳолда декларацияни амалга ошириш бир неча ўн йилга чўзилиб кетиши мумкинки, бунга асло йўл қўйиб бўлмайди.

Мустамлака мамлакатларга ва халқларга мустақиллик бериш тўғрисидаги декларацияда мустамлакаларнинг халқларига қарши ҳар қандай қуролли ҳаракатлар қилиш ва репрессия чоралари кўриш тўхтатилсин, деган равшан ва аниқ талаб қўйилган эди. Мустамлакачилар бу талабга жавобан сурбетлик қилиб мустамлакаларда янги урушларни бошлаб юбордилар ва мустамлакаларнинг халқларига қарши репрессияларни кучайтирдилар. Декларация қабул қилинган кунининг эртасигаёқ Португалия ҳукумати Ангола халқига қарши қонли мустамлака урушини бошлаб юборди. Франция Жазоир халқига қарши жиноий урушни давом эттирмоқда. Англиянинг мустамлакачи маъмурлари Шимолий Родезиянинг мустақиллиги учун курашчиларни ўлдиришни давом эттирмоқдалар. Кения ватанпарварларига қарши оммавий репрессиялар ўтказмоқдалар. Англия авиацияси Шарқий Аденнинг тинч аҳолисини бомбардимон қилмоқда. Бельгия Конгода ўзининг интервенция планларини ўтказишдан ҳозир ҳам воз кечгани йўқ. Голландия ҳукумати Ғарбий Ирианга қўшин ва қурол-яроғларни тобора кўпроқ юбормоқда. Жанубий Африка республикаси ҳукумати ўжарлик қилиб ўзининг ирқий камситиш ва апартеид сиёсатини ўтказишни давом эттира берса. у ҳолда Бош Ассамблея Жанубий Африка Республикасини Бирлашган Миллатлар Ташкилотидан чиқарилди. деб, Хавфсизлик Кенгаши эса, шу мамлакатга нисбатан тегишли қатъий чоралар кўради, деб эълон қилса, ҳаққоний иш қилган бўлади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, дейилади баёнотда, мустамлакалар ва василлик остидаги территориялар билан тузилган, бўлажак мустақил давлатларнинг суверенитетини чеклашга қаратилган ҳамма битимларни, шу жумладан махфий битимларни ҳам ҳеч сўзсиз бекор қилишни талаб этиши лозим.

Мана шу чораларнинг ҳаммасининг бажарилишини Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қаттиқ ва қатъий контроль остига олиши лозим, акс ҳолда мустамлакачилар шу чораларни бажаришдан бўйин товламоқ учун минглаб важ ва баҳоналар топадилар. Бунинг учун Совет ҳукумати Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг декларацияни бажаришнинг бориши устидан кузатиб ва контроль қилиб турадиган комиссиясини тузиш зарур деб ҳисоблайди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг комиссияси ўзининг масъулиятли вазифаларини муваффақиятли бажара оладиган бўлиши учун бу комиссияда давлатларнинг барча уч асосий группасидан: социалистик давлатлардан, Ғарб ҳарбий блокларига аъзо бўлган мамлакатлардан ва бетараф давлатлардан тенг ҳуқуқли вакиллар бўлиши лозим.

Баёнотда айтиладики, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти яқин ойлар ичида ҳамма мустамлакаларда васийлик остидаги территорияларда ва ўзини-ўзи бошқармаётган бошқа территорияларда миллий ҳокимият органлари тузишни талаб қилиши лозим. Бу органларни мустамлакалардаги халқларнинг ўзлари тузишлари лозим. Улар шундай органлар тузиш имкониятига эга бўлишлари учун эса, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қар бир мустамлакага дарҳол кенг демократик ҳуқуқлар ва эркинликлар берилишини талаб қилиши лозим. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ерли аҳолининг демократик ҳуқуқлари масаласида ҳам, шунингдек мустамлакалар д а г и халқларга қарши урушларни тўхтатиш масаласида ҳам қаттиқ қўлли бўлиши лозим. Агар, масалан, Жанубий Африка республикаси ҳукумати ўжарлик қилиб ўзининг ирқий камситиш ва апартеид сиёсатини ўтказишни давом эттира берса. у ҳолда Бош Ассамблея Жанубий Африка Республикасини Бирлашган Миллатлар Ташкилотидан чиқарилди. деб, Хавфсизлик Кенгаши эса, шу мамлакатга нисбатан тегишли қатъий чоралар кўради, деб эълон қилса, ҳаққоний иш қилган бўлади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, дейилади баёнотда, мустамлакалар ва василлик остидаги территориялар билан тузилган, бўлажак мустақил давлатларнинг суверенитетини чеклашга қаратилган ҳамма битимларни, шу жумладан махфий битимларни ҳам ҳеч сўзсиз бекор қилишни талаб этиши лозим.

Мана шу чораларнинг ҳаммасининг бажарилишини Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қаттиқ ва қатъий контроль остига олиши лозим, акс ҳолда мустамлакачилар шу чораларни бажаришдан бўйин товламоқ учун минглаб важ ва баҳоналар топадилар. Бунинг учун Совет ҳукумати Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг декларацияни бажаришнинг бориши устидан кузатиб ва контроль қилиб турадиган комиссиясини тузиш зарур деб ҳисоблайди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг комиссияси ўзининг масъулиятли вазифаларини муваффақиятли бажара оладиган бўлиши учун бу комиссияда давлатларнинг барча уч асосий группасидан: социалистик давлатлардан, Ғарб ҳарбий блокларига аъзо бўлган мамлакатлардан ва бетараф давлатлардан тенг ҳуқуқли вакиллар бўлиши лозим.

Польшада Ўрта Осиё ва Қозоғистон совет республикалари маданияти кунлари бошланди

ВАРШАВА, 28 сентябрь. ТАСС мухбири **Г. Кисилев** хабар беради:

Бугун Польша Халқ Республикасида Ўрта Осиё ва Қозоғистон совет республикалари маданият кунлари бошланди. Шу муносабат билан Варшавадаги драма театри биносида катта концерт бўлди. Бу ерда саноат корхоналари ва муассасаларнинг ишчилари ва хизматчилари, жамоат ташкилотларининг вакиллари, фан, маданият, санъат арбоблари, студентлар, Польша — Совет дўстлиги жамиятининг активлари тўпланди. Залда ҳозир бўлганлар орасида Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг секретари В. Ярошинский, Польша Халқ Республикасининг маданият ва санъат министри Т. Галинский, СССРнинг Польшадаги элчиси А. Б. Аристов, Қозоғистон ва Ўзбекистон совет социалистик республикаларининг маданият кунларида қатнашиш учун Польшага келган делегацияси, шунингдек Ўрта Осиёнинг барча совет республикалари ва Қозоғистондан келган туристлар бор.

Польша Халқ Республикаси маданият ва санъат министрининг ўринбосари З. Гарстецкий концерт бошланиши олдидан саҳнага чиқиб, залга тўпланганларни қизғин табриклади. У, Ўрта Осиё ва Қозоғистон совет республикаларининг экономикаси, маданияти, фани ва санъати совет ҳокимияти йилларида гуллаб-яшнаганлиги ҳақида гапириб, шу республикаларнинг халқларига коммунистик қурилишда янги муваффақиятлар тилади.

Сўнгра катта концерт берилди. Концертда Варшава театрининг артистлари, шунингдек Қозоғистон, Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистон ССРнинг танилган артистлари қатнашди. Варшаваликлар Ўрта Осиё ва Қозоғистон совет республикалари артистларини гоят самимий ва қизғин кутиб олдилар. Улар совет артистларининг бадиий маҳоратига юксак баҳо бериб, концертда ижро этилган ҳар бир номерни узоқ давом этган қарсаклар билан тақдирлаб турдилар.

Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ ФИНЛЯНДИЯДА БЎЛИШИ

КАЯНИ, 28 сентябрь. (ТАСС). Бугун куннинг иккинчи ярмида Л. И. Брежнев, У. К. Кекконен ва уларнинг ҳамроҳлари шаҳарда сайр қилдилар, уй-жой бинолари қурилаётган районлар билан танишдилар. 8 йиллик халқ мактаблари учун муаллимлар тайёрлаётган педагогика билим юртида бўлдилар.

Л. И. Брежнев ва У. К. Кекконен «Каяни» акциялик жамиятининг целлюлоза-қоғоз фабрикасини бориб кўрдилар (бу жамият корхоналарида 2000 дан кўпроқ киши ишлайди). ишлаб чиқариш процесси билан танишдилар. Акциялик жамиятнинг мутасадди-директори О. Палохеймо меҳмонларга, маҳсулотнинг (қоғоз ва целлюлозанинг) 10 проценти Совет Иттифоқига етказиб берилаётганлигини айтди. Бунга жавобан Л. И. Брежнев, мамлакатлар ўртасида ўзаро манфаатли савдо-сотиқ қилиш дўстликка олиб борадиган яхши йўлдир. деди.

Ҳамма жойда ишчилар ҳурматли совет меҳмонини қизғин табрикламоқдалар. ўзларининг меҳнат ва турмуш шароитлари тўғрисида гапириб бермоқдалар. Улар Л. И. Брежневнинг фин халқи билан мароқли учрашувлар бўлганлиги, Финляндияда бўлган кунларида яхши, мазмундор таассуротлар олганлиги ҳақида айтган гапларини эшитиб жуда мамнун бўлмоқдалар.

«Каяни» акциялик жамияти номидан ҳурматли меҳмонлар шарафига зиёфат берилди.

Зиёфатда Л. И. Брежнев нутқ сўзлади.

АҚШ Компартиясининг раҳбар арбоблари Москвага келди

АҚШ Компартияси миллий комитети раисининг ўринбосари ўртоқ Генри Уинстон оиласи билан бирга ва АҚШ Компартияси миллий комитети ижроия комитетининг аъзоси ўртоқ Жеймс Жексон дам олиш ва даволаниш учун 26 сентябрда СССРга келди.

Ўртоқ Уинстон 6 йил мобайнида тюрьмада ётди. У, сиёсий фаолияти учун тюрьмага қамалган эди. Тюрьма маъмурларининг шафқатсиз муомаласи натижасида ўртоқ Уинстоннинг кўзи ожиз бўлиб қолди. Жаҳон жамоатчилигининг тазйиқи билан АҚШ ҳукумати 1961 йил июнь ойида Уинстонни қамоқдан озод қилди.

ХАЛҚЛАРИМИЗНИНГ МАҚСАДИ ТИНЧЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ВА КОММУНИЗМ ҚУРИШДИР

Хитой Халқ Республикасининг XII йиллигига бағишланиб Москвада ўтказилган тантанали йиғилиш

МОСКВА. 28 сентябрь. (ТАСС). Хитой халқининг шонли миллий байрами — Хитой Халқ Республикаси барпо қилинганлигининг XII йиллиги шарафига бағишланиб бугун П. И. Чайковский номидаги концерт залида Москва жамоатчилиги вакилларининг тантанали йиғилиши бўлиб ўтди. Залда Хитой Халқ Республикасининг СССРдаги элчиси Лю Сяо. Хитой — Совет дўстлиги жамияти активларининг СССРга меҳмон бўлиб келган группасининг раҳбари — Хитой Коммунистик партияси Цзилинь вилоят комитетининг секретари Фу Чжэн-шень ва Хитойдан келган бошқа меҳмонлар ҳозир бўлдилар.

Йиғилишни Совет—Хитой дўстлиги жамияти правлениесининг раиси, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси А. А. Андреев очди.

КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат. «Коммунист» журналининг бош редактори Ф. В. Константинов Хитой Халқ Республикасининг XII йиллиги тўғрисида доклад қилди. Докладчи улуғ хитой халқини мана шу зўр байрам куни билан қизғин қутлади.

Ўтган 12 йил мобайнида, деди докладчи, хитой халқи ўртоқ Мао Цзе-дун бошчилигидаги ўз Коммунистик партиясининг ва партия Марказий Комитетининг етакчилигида иш олиб бориб. ўз қўлига олган ҳокимиятни қаттиқ ушлаб қола олиш билан бирга мамлакатнинг асрий иқтисодий қолоқлигини тез тугатмоқ учун. социализм қурмоқ учун халқ-демократик тузумдан муваффақиятли равишда фойдалана олиши мумкинлигини ҳам яққол кўрсатди ва бу билан буржуа пропагандасининг даъволарини пучга чиқарди.

Совет ва хитой халқлари, деди докладчи, бузилмас қардошларча дўстлик алоқалари билан чамбарчас боғланганлар. Бизнинг муносабатларимиз икки буюк қардош социалистик мамлакатларнинг муносабатларидир. Бу муносабатлар бирлик, қардошларча тенг ҳуқуқли ҳамкорлик ва социалистик ўзаро ёрдамлашиш руҳи билан суғорилган.

Йиғилишда Хитой Халқ Республикасининг СССРдаги элчиси Лю Сяо сўзга чиқиб, Халқ Хитойининг 12 йил ичида эришган катта муваффақиятлари ҳақида гапириб берди.

Лю Сяо уқтириб айтдики, Хитой ҳукумати ва хитой халқи Германия сулҳ шартномасини тузиш ва Ғарбий Берлиндаги аҳволни нормаллаштириш масаласида Совет ҳукуматининг адолатли ва қатъий сиёсатини қатъиян қувватламоқдалар. Совет мамлакатининг мудофаа қувватини мустаҳкамлаш соҳасида кўрилган зарур чораларни қатъиян қувватламоқдалар.

Йиғилиш қатнашчилари Ф. В. Константиновнинг докладини ва элчи Лю Сяонинг нутқини қарсаклар билан неча марталаб бўлиб турдилар ва шу тариқа қардош хитой халқига ўзларининг самимий дўстлик ва чуқур ҳайрихоҳлик ҳисларини ифодаладилар.

Редактор З. И. ЕСЕНБОЕВ.

ЭЪЛОНЛАР. ТОМОШАЛАР.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

30 СЕНТЯБРЬДА

18.00 — Ўйлаб топ (мактабгача ёшдаги болалар ва кичик ёшдаги мактаб ўқувчилари учун). 18.30 — Кун янгиликлари киножурнали. 18.40 — Тенинхўрлар (рус тилида). 18.55 — С. Прочофьевнинг Золушка балети (Германия Демократик Республикаси артистлари ижросида). 19.50 — Телевизион янгиликлар. 20.10 — Қизлар баҳори номли кинокомедия. 21.40 — Мўл ҳосил учун телевизион журнал).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 30/IX да Шаҳризода, Штраусина, Болеро, 1/X да эрталаб Доктор Айболит, кечқурун Масхарабозлар ва концерт бўлими.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 1/X да эрталаб Айтсам гилим куяди, айтмасам дилим.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 30/IX да янги спектакль Ғазал фожиаси (билетлар сотилган. 1/X да Равшан ва Зулҳумор.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — 2/X да «Баҳор» давлат халқ рақс ансамблининг концерти. Билетлар сотилмоқда.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Грузин цирки артистларининг гастроли. Кеч соат 7 яримда бошланади. Якшанба куни 3 марта томоша кўрсатилади (кундуз соат 12, 3 ва кеч 7 яримда).

КИНО

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

Шахсан маълум (эрталаб соат 10, кундуз 12 ва 2 да), Амирликнинг емирилиши (кундуз 4 ва кеч 6 да)— «ВАТАН».

Эски Березованинг тугаши — «ВАТАН» (кеч соат 8 ва 9-45 минутда), «МИР» (кундуз ва кечқурун).

Биз Кронштадтдан — НАВОИЙ ном. ли (кеч соат 5 да).

Биринчи сабоқ — НАВОИЙ номли, «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Ҳазили йўқ — «ИСКРА», «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

12 қиз ва 1 эркак — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кеч соат 8 ва 10 да).

Балтика депутати — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз соат 4 да).

ҲАМЗА НОМЛИ ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА

30 сентябрь ва 1 октябрда ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ

Уйғун асари

ШУБҲА

3 пардали драма.

Постановкачи режиссёр — А. З. Қобилов, рассомлар — Г. Э. Юнгвальд-Хилькевич ва Л. Н. Конрад.

1 октябрдан спектакль кеч соат 7 да бошланади.

САНЪАТ МУЗЕЙИДА

1 октябрь кундуз соат 3 да: «Ўзбекистон рассомлари асарларида тарихий тема» деган темада

ЛЕКЦИЯ

Лектор — Н. Н Зимова.

1961 йил 9 октябрь кундуз соат 2 да, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Биология фанлари бўлимининг бирлашган илмий совети мажлисида (Куйбишев кўчаси, 15-уй, Фанлар академияси президиумининг конференц-зали) қуйидагилар биология фанлари канди. дати деган илмий даражани олиш учун

диссертация ёқлайдилар

С. Ю. Рожановский: «Ўрта Осиё чўлларидаги баъзи ефемер ва ефемероид уруғларининг анатомик хусусиятлари» деган темада.

И. Д. Мамедов: «Наҳичевань АССР шароитида ўзбадаги гулҳайри қуяси» деган темада.

Диссертациялар билан Фанлар академияси кутубхонасида танишиш мумкин (А. Тўқаев кўчаси, 1-уй).

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлигининг МАРКАЗИЙ ИЛМИЙ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК КУТУБХОНАСИ Пушкин кўчаси, 41. уйдан Гоголь кўчаси, 77. уйга КЎЧДИ ва 1 октябрдан ишлай бошлайди.

ГАЗЕТА ва журналларга 1962 йил учун идора обунаси қабул қилиш давом этмоқда. Идора обунасига заявкалар «Союзпечать» шаҳар бўлимида қабул қилинади. Бирлашган нашриёт.

Бухоро область партия комитети. Область ижроия комитети ва Область касаба союзлари Совети Область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ А. Ризаевга отаси Мамариза АЛИОХУНОВНИНГ вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдирадилар.

1961 йил 9 октябрь кундуз соат 2 да, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Физика-математика фанлари бўлимининг бирлашган илмий совети мажлисида (Обсерватория кўчаси, 85-уй, Физика-техника институтининг конференц-зали) қуйидагилар физика-математика фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун

диссертация ёқлайдилар

Д. А. Аронов: «Статик ва динамик режимларда ишловчи ярим проводникли диодлар назариясининг ривожлантирилиши» деган темада.

А. К. Медников: «Германийни суюлтирилган металлар билан қайта ишлашда унинг электр хусусиятларига таъсири» деган темада.

Диссертациялар билан Фанлар академияси кутубхонасида танишиш мумкин (А. Тўқаев кўчаси, 1- уй).

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ: ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ 26 УЙ

КОММУТАТОР — 26334 33262. Редакция бўлимларининг телефонлари: Партия турмуши — 33469. Пропаганда — 34780. Саноат ва транспорт — 27604. Совет қурилиши — 34780. Қишлоқ хўжалиги — 31226. Адабиёт ва санъат — 32036. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 34524. Маҳаллий ахборот — 32347. Оммавий ишлар ва хатлар — 29005. Секретариат — 34455. Эълонлар — 28142.

«Қизил Ўзбекистон» «Правда Востока» ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри Р. 01733. Нашр. Б. 230.

БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ XVI СЕССИЯСИДА

НЬЮ-ЙОРК, 28 сентябрь. ТАСС мухбири **Г. Васильев** хабар беради:

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг XVI сессияси ўз ишини ўн кундан бери давом эттирмоқда. Ассамблеянинг ялпи мажлисларида бўлаётган умумий мунозарада шу кунгача 20 мамлакатнинг вакили сўзга чиқди. СССР ташқи ишлар министри А. А. Громикониг Совет ҳукумати тинчликни мустаҳкамлаш тўғрисида астойдил ғамхўрлик қилаётганлигини ифодалаб сўзлаган нутқи делегацияларда катта таассурот қолдирди.

Шу нарса кўзга ташланиб турибдики, Бош Ассамблеянинг иши тўғрисида Америка матбуотининг шарҳларида айтилаётган фикрлар кейинги кунларда анча ўзгарди. Сессия арафасида Америка газеталари, Қўшма Штатлар Ассамблеяда ташаббусни ўз қўлига олади, деб ёзган эдилар, аммо энди маҳаллий газеталарда ёзилаётган фикрларда маъюслик ва норозилик аломатлари тобора кўпроқ кўринмоқда. «Нью-Йорк геральд трибюн» газетасининг мухбири Ньюмен шу газетанинг бутунги сонида ёзган мақоласида «аҳвол кутилган даражада яхши эмас» деган фикрни айтди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги журналист доираларида, Қўшма Штатлар ва бошқа Ғарб мамлакатларининг пропагандаси сессияда бирор муваффақият қозонади. деган умид пуч бўлиб чиққанлиги эътироф қилинмоқда. Ҳақиқатан ҳам, ёппасига ва батамом қуролсизланиш, мустамлакачиликни тамомила тугатиш, Бирлашган Миллатлар Ташкилотида Хитойнинг қонуний ҳуқуқларини тиклаш сингари бутун инсониятни ҳаяжонлантириб турган ва етилган проблемаларни ҳал қилишга тўсқинлик қилган ҳолда, ҳушлик ва ёвузлик тўғрисида умумий гап сотиш билан халқаро жамоатчиликнинг кўнглини олиш асло мумкин эмас.

Бугунги эрталабки мажлисда ҳам Гватемала ташқи ишлар министри Мурильо Ғарб ҳарбий иттифоқларининг энг нуфузли аъзоларининг агенти сифатида сўзга чиқиб. «Ғарбнинг христианлик принциплари» тўғрисида. «Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги танглик» тўғрисида гап сотди. Шу билан бирга, у аллақачон етилган проблеманинг ҳал қилинишига — Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аппаратининг қайта ташкил этилишига қарши бўлиб чиқди ва Ғарбий Берлин масаласи муносабати билан аҳволнинг кескинлашганлиги учун айбни Совет Иттифоқига тўнкашга уриниб кўрди.

Чили ташқи ишлар министри Сотомайор қуролсизланиш зарурлиги тўғрисида умумий гаплар айтиш билан кифояланди. У, Америка давлатлари ташкилотини ва Латин Америкаси мамлакатларига Американинг иқтисодий «ёрдам» кўрсатиш программасини — «тараққиёт манфаатини кўзловчи иттифоқ»ни мақтади. гапирди. Шу билан бирга. у, бош секретарь мансабини мамлакатларнинг уч группаси вакилларидан тузилган ижрочи орган билан алмаштиришга қарши чиқди.

Дания ташқи ишлар министри Краг халқаро проблемаларни Ғарбнинг бошқа вакилларига нисбатан реалистикроқ тарзда тушунганлигини кўрсатди. Жумладан, у. Бирлашган Миллатлар Ташкилотида Хитой Халқ Республикасининг ҳуқуқларини тезроқ тиклаш кераклигини айтди.

Краг Совет Иттифоқи ва АҚШ делегацияларн қуролсизланиш тўғрисидаги музокараларнинг принциплари масаласида битимга келганликларини табриклади. У. Берлин масаласи музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал қилинади, деб умид билдирди. Дания вакили шу музокаралар натижасида тузиладиган битим Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қарамоғига топширилсин, деб таклиф қилди. У, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг органларидан бирини Берлинга кўчириш керак, деди.

Сўнгра Африкадаги Сьерра-Леоне давлати Бирлашган Миллатлар Ташкилотига юзинчи аъзо бўлиб қабул қилинганлиги муносабати билан Цейлон, Панама, Гвинея, Бирлашган Араб Республикаси, Нигер, АҚШ, Кипр ва бошқа мамлакатларнинг вакиллари табрик нутқлари сўзладилар. Руминия ташқи ишлар министри К. Мэнеску социалистик давлатлар номидан Сьерра-Леоне халқига чин кўнгилдан муваффақиятлар тилади. Мэнеску Африкадаги янги давлатнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қабул қилинганлигини табриклаб, мустамлака мамлакатлар ва халқларга мустақиллик бериш тўғрисидаги декларациянинг қоидаларини тўла равишда амалга ошириш зарурлигини уқтириб ўтди.

Бош Ассамблея эртага ҳеч қандай мажлис ўтказмайди. Сессия ўз ишини 2 октябрь душанба куни яна давом эттиради.